



ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН — СТРАТЕГИК ШЕРИК ДАВЛАТЛАР

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 6 март куни давлат ташрифи билан Ашхободга келди.

Таъкидлаш жоизки, бу Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида хорижий давлатга илк ташрифидир. Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастурида, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш маросимидаги нутқида Ўзбекистон барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишини баён этган. Президентимизнинг мазкур давлат ташрифи Ўзбекистон ташқи сийосатида янги қўшничилик муносабатларига алоҳида аҳамият қаратаётганини яққол тасдиқлади.

Халқимиз туркман халқи билан ҳам азалдан ёнма-ён, ахил-иноқ яшаб келган, бир дарёдан сув ичган. Авдо-сотик қилган, бир-бирининг маданиятини бойитган.

Бу яқинлик мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ривожига асос бўлмоқда. Ўзбекистон – Туркменистон алоқалари 2007 йилда имзоланган Дўстона муносабатлар ва ҳар то-

монлама ҳамкорлики янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома асосида изчил тараққий этмоқда.

Олий даражадаги ташрифлар мунтазамлик касб этгани давлатлараро муносабатлар юксак даражада эканидан далолатдир. Ўзбекистон ва Туркменистон Президентларининг бу галги учрашуви Биринчи Президентимиз Ислом Каримов асос солган ўзаро манфаатли ва фаол мулоқотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ашхободнинг Мустақиллик майдонида расмий кутуб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов фахрий қоровул сафи олди-дан ўтдилар. Икки давлат мадҳиялари янгради.

Ўзғузон саройида Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедовнинг яккама-якка музокараси бўлди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлиқнинг бугунги

ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шавкат Мирзиёев Гурбангули Бердимухамедовни Туркменистон Президенти этиб қайта сайлангани муносабати билан самимий табриклади. Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик қарор топганини, бу ташриф изчил ривожланиб келаётган ўзаро манфаатли ва фаол мулоқотларнинг мантиқий давоми эканини алоҳида таъкидлади.

Гурбангули Бердимухамедов Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти этиб сайланганидан кейин давлат ташрифи билан биринчи бўлиб Туркменистонга келгани учун миннатдорлик билдириб, бу тарихий воқеа мамлакатларимиз ҳамкорлигида фойдаланилмаган имкониятларни ишга солиш ва алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини қайд этди.

(Давоми 4-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз опа-сингиллар!

Муҳтарам дўстлар! Аввало, сиз, азизлар билан юртимизга баҳор нафаси кириб келаётган ёруғ кунларда, Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида мана шу муҳташам қашнада учрашиб турганимдан гоят хурсандман.

Шу қутлуг айём — 8 март байрами билан сизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун мамлакатимиз аёлларини, муҳтарам онахонларимиз, кадрли опа-сингилларимиз, гўзал қизларимизни чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Барчамиз учун азиз ва мўтабар бўлган аёл зоти ҳақида сўз юритар эканмиз, авваламбор, бизни дунёга келтирган, оқ сут бериб вояга етказган Она сиймоси олдида бош эгиб таъзим қиламиз.

Ер юзиде муқаддас деган сўзга энг муносиб зот бу — аввало, Онадир. Халқимиз она сиймосини дои-

мо улуғлаб, ардоқлаб яшайди. Юртимизда оналарни шарафлаб муҳташам ҳайкаллар бунёд этилгани ҳам шундан далолат беради.

Биз Она тимсолида Ватанимизни, унинг гўзал ва бетакорор қиёфасини кўрашимиз. "Она Ватан" деган ибора бежиз айтилмаган, бунда чуқур маъно бор. Инсонни инсон қиладиган мана шундай юксак туйғу ва тушунчаларни болаларимиз қалбига ёшлигидан сингдирсак, шоирларимиз, рассомларимиз, санъаткорларимиз оналарни, аёлларни тараннум этадиган янги-янги асарлар яратсалар, нур устига нур бўлур эди.

Аёлни эъзозлаш, аёлга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос олижаноб қадрият ҳисобланади. Биз, барчамиз қандай қасб, қандай лавозимда ишламайлик, қалбимиз, юрагимиздаги жамики эзгу фазилатлар учун сиз, меҳрибон аёллардан умрбод қарздормиз.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда мўтабар аёл зотига муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ўзининг иқтидори ва ибратли фаолияти билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган қизларни рағбатлантириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонида асосан:

1. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли қизларини

аъло ҳулки, ноёб истеъдоди, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда адабиёт, маданият, санъат, таълим ва спорт соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти бўйича кўзда тутилган 14 та мукофот ўрнига 2017 йил учун истисно тариқасида Қорақалпоғистон Республикасининг 2 нафар, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 1 нафардан вакилларига — жами 15 та мукофот берилиши белгилансин.

(Давоми 4-бетда.)

Оила чароғбони, жамият кўрки



Баҳорнинг илк кунларида хотин-қизлар байрамнинг нишонланишида ҳам ажиб бир рамзий маъно борга ўхшайди. Зеро, баҳор ҳам, аёл ҳам гўзаллик, нафосат ифодасидир.

Шу кунларда бутун мамлакатимиз бўйлаб 8 март — Хотин-қизлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда.

(Давоми 3-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Айниқса, сиз, азизларнинг соғлом зурриё, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишдаги ўрнингиз ва хизматингизни ҳеч нарса билан қиёслаб, баҳолаб бўлмайд.

Сизларнинг меҳр-муҳаббатингиз, вафо ва садоқатингиз, фидойилигингиз сабабли ҳаётимиз чароғон. Сизлар тўфайли оилаларимизда тинчлик-осойишталик, кут-барака ҳукм сураётгани учун барчангизга ҳар қанча тасанно айтсак, арзийди, албатта.

Қадрли юртдошлар!

Бугунги кунда Ўзбекистон хотин-қизлари ҳаётимизнинг барча соҳа ва тarmoқларида ўзларини тўла намён этиб келмоқда.

Сизлар давлат ва бошқарув идоралари, вакиллик органларида, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва фермерлик тarmoқларида, ижтимоий соҳаларда самарали меҳнат қилиб, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдасиз.

Бу ҳақиқатни халқимиз, жамиятимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз хотин-қизлари орасида 514 нафар фан доктори, 6 нафар академик, 15 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони, 17 нафар сенатор, 15 нафар Қонунчилик палатаси депутати борлигини, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 23 фоизидан зиёдини айнан аёлларимиз ташкил этишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўнлаб опа-сингилларимиз "Ўзбекистон фан арбоби", "Ўзбекистон халқ шоири", "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси", "Ўзбекистон халқ артисти" сингари давлатимизнинг юксак фахрий унвонларига сазовор бўлганлар. Шулар қаторида 240 нафар ёш истеъдод эгаси Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган ва уларнинг сафига бу йил яна 15 нафар иқтидорли кўзимиз қўшилмоқда.

Биз бугун ўзининг фидокорона меҳнати, эришган улкан ютуқлари, давлат ва жамоат ишларидаги фаол иштироки, ибратли фазилатлари билан халқимиз ўртасида обрў-эътибор қозонган юзлаб опа-сингилларимизнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Айниқса, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, қишлоқ ҳўжалиги соҳаси фидойилари Халчхон Мирзаева, Патилахон Эргашева, Сиёсатхон Абдуллаева, маҳоратли педагоглар Манзура Мадалова, Мавлуда Исмаилова, Вера Пак, Анора Маҳмудова, Муҳаббат Шаропова, атоқли навоийшунос олиманимиз Суйиба Ганиева, устоз шифокорлар Малика Абдуллаҳўжаева, Ойшахон Қўчқорова, Онесия Саитова, қўли гул хунармандлар Муяссар Темирова, Мартия Раҳматова барчага ўрнатилган намуна бўлиб келмоқдалар.

Шулар қаторида таникли академикларимиз Машхура Мавлоний, Раъно Убайдуллаева, Сайёра Рашидова, Анна Глушенкова, Муҳаббат Абидова, Ўзбекистон халқ шоиралари Ойдин Ҳожиёва, Халима Худойбердиева, Энахон Сиддиқова, Ўзбекистон халқ артистлари

Яйра Абдуллаева, Тўти Юсупова, Галина Мельникова, Муножот Йўлчиева, Гавҳар Зокирова сингари аёлларимиз халқимиз орасида маълум ва машҳурдирлар.

Миришкор фермер ва тадбиркорлар Лолахон Муродова, Рашида Ёдгорова, Дилфуза Мусаева, Сарвиноз Шокирова, Зулфия Очилова, Зебихон Рустомова, Райхон Раҳмонова, Анна Добрих, Зулхумор Эрматова, захматкаш устоз ва мураббийлар Агрепина Шин, Жамила Баймуратова, Валентина Недикова, Тоҳира Исломова, Елена Кучеренко, Сайёра Умарова, жонқуяр маҳалла раислари ва маслаҳатчилари Гулбаҳор Султонова, Марҳамат Мақсудова, Бувинисо Ҳамроева, Гулжаҳон Ибраимова, Феруза Хасанова, моҳир шифокорлар Феруза Эрматова, Дилоромхон Тошболтаева каби опа-сингилларимиз самарали меҳнат қилиб, бахт топган инсонлардир.

Ана шундай ҳурматли аёлларимизнинг кўпчилиги бугунги учрашувда иштирок этаётгани даврамизга янада файз бағишлаб турибди.

Бугунги кунда мамлакатимизда илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида меҳнат қилаётганларнинг 72 фоизи – шунга эътибор беринг, 72 фоизи – айнан хотин-қизлардир.

Маҳалла раислари ва фаолларининг ақсарият қисмини аёллар ташкил этади. 8,5 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи сифатида фаол иш олиб бормоқдалар.

Ҳурматли дўстлар!

Барчамизга яхши маълум, ўтган йилгирма беш йил мобайнида халқимиз ўта оғир синов ва машаққатларни, турли қийинчиликларни енгиб, улкан ютуқ ва натижаларни қўлга киритди.

Бундай марраларга эришишда оилада, меҳнат жамоаларида, умуман, жамиятимизда энг катта бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини сақлаш ва мустақамлашда юртимиз хотин-қизларининг донолиги, сабр-қаноат ва матонат, шукроналик, оилага садоқат каби ибратли хусусиятлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Мана шундай олижаноб, ҳақиқатан ҳам буюк инсоний фазилатларининг учун сизларга яна бир бор ўз номимдан, эл-юртимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Азиз опа-сингиллар!

Ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади.

Бу, албатта, исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Шунинг учун ҳам мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфатларини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиб бериш, қобилият ва салоҳиятини рўйбга чиқариш масаласи юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу асосда оналик ва болаликни ҳимоялаш,

оила институтини қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Бу ҳақда гапирганда, барчамиз Биринчи Президентимиз, муҳтарам Ислам Абдуганиевич Каримовнинг аёл зотиға, мамлакатимиз хотин-қизларига юксак ҳурмат, доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келганиларини бугун яна бир бор эслашимиз. У кишининг: **"Аёл бахтли бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустақам"** деган чуқур маъноли сўзлари амалий ҳаракатларимизда қўлланма бўлиб келмоқда.

Биз ана шу эзгу давлатга амал қилиб, мамлакатимизда бошланган кенг қўламли ишларни янги босқичга кўтаришни ўз олдимизга асосий мақсад қилиб қўйганмиз.

Ўзбекистонимизни янада ривожлантириш бўйича яқинда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси ва унинг узвий қисми бўлган "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури авваламбор ана шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бизнинг яқин ва узоқ келажакка мўлжалланган сиёсатимизда муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган социал масалаларни ҳал этиш биринчи ўринга қўйилмоқда. Бу одамларни уй-жой билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўладими, аҳолини арзон ва сифатли дори-дармон воситалари билан таъминлаш бўладими, савдо ва транспорт хизмати, электр, табиий газ, ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўладими, болалар боғчалари, янги мактаблар, санъат ва спорт иншоотлари, равон йўллар қуриш бўладими – буларнинг барчаси бўйича биз аниқ дастур ва режаларни ишлаб чиққанмиз ва уларни сўзсиз амалга ошираемиз.

Биз жорий йилнинг ўзида қишлоқ жойларда янги намунадаги 15 мингта арзон уй-жой қуришни бошлаб юбордик.

Ана шундай янги уй-жой масивларида зарур инфратузилма тarmoқлари, жумладан, 415 километрдан зиёд ичимлик суви, қарийб 300 километр электр, 320 километр табиий газ тarmoқлари барпо этилади. Яъни бу уй-жойлар яхлит бир комплекс бўлиб шаклланади. Шунингдек, мамлакатимиз бўйича минггаб километрик магистрал ва ички йўллар қурилади ва таъмирланади.

Юртимизда аёллар ва ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш мақсадида 2017 йилда тадбиркор аёллар учун 1 триллион сўм, таълим муассасаларини битириб чиқадиган 10 мингга яқин ёшларимиз учун 60 миллиард сўм кредит маблағлари ажратиш кўзда тутилмоқда.

Биз соғлиқни сақлаш соҳасида юқори технологияларга асосланган, ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг ҳудудларда ҳам фаолият кўрсатишига жиддий эътибор қаратмоқдамиз. Бу олис вилоят ва туманларимизда яшаётган аҳолига қандай янги имко-

ният ва қулайликлар туғдиришини, ўйлайманки, тушуниш қийин эмас.

Мисол учун, Қорақалпоғистон Республикасини оладиган бўлсак, бу ерда Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиалида кўп тarmoқли болалар клиникаси қурилиши жадал олиб бормоқда. Бу шифохона яқин келгусида Оролбўйи минтақасидаги болалар саломатлиги бўйича йirik марказга айланади.

Хоразм вилоятида эса Россиянинг А.Бакулев номидаги машҳур клиникаси билан ҳамкорликда юрак-қон томир жарроҳлиги бўйича тиббий марказ қурилиши бошланди.

Айни вақтда Термиз шаҳрида Республика урология, Кўз микрохирургияси ҳамда Гинекология ва акушерлик илмий-амалий марказларининг филиаллари барпо этилади.

Шулар қаторида Қашқадарё вилоятида Республика кардиология ва Эндокринология марказларининг филиалларини бунёд этиш бўйича ҳам амалий ишлар бошлаб юборилди.

Биз қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини, тез ёрдам хизмати, профилактика ва патронаж тизimini янада такомиллаштириш борасида ҳам кенг миқёсда иш олиб бормоқдамиз.

Ўйлайманки, "Инсон манфаати ҳар нарсадан улуг" деган эзгу ғояни амалга оширишга қаратилган бундай ишларнинг аҳамиятини халқимиз, авваламбор, сиз, азиз аёлларимиз ҳаммадан кўра яхши тушунасиз.

Мен жойларда бўлиб, халқимиз вакиллари, муҳтарам аёлларимиз билан мулоқотда бўлганимиз, уларнинг қувонч ва ташвишлари билан яқиндан танишганимизда, турли қийинчилик ва муаммоларга қарамадан – ҳаёт ўзи ҳеч қачон муаммосиз бўлмайди – опа-сингилларимизнинг орзу-интилишлари, ҳаётга, эртанги кунга катта ишонч билан қараётганини кўриб хурсанд бўламан. Чунки биз ўз олдимизга қўйган улкан мақсад ва вазифаларни амалга оширишнинг энг муҳим шартини, энг асосий шартини ҳам аслида халқимизнинг мана шундай ишончидир.

Қадрли опа-сингиллар!

Барчамизга яхши аён, бугунги шиддатли замон, дунёдаги аёвсиз рақобат муҳити биздан жуда катта масъулият ва сафарбарлик билан ишлашни, ҳамма соҳада янгича ёндашувларни талаб этмоқда.

Мана шундай кескин шароитда биз юртимизда тинчлик ва осойишталик, фуқаролар ва миллатлар ўртасида ҳамжихатлик муҳитини кўз қорачиғидек асрашимиз зарур. Айниқса, фарзандларимизнинг қалби ва онгини ёвуз хавфхатарлардан ҳимоя қилишга энг долзарб вазифа, деб қарашимиз керак.

Агар биз таълим-тарбия, маданият ва маънавий соҳасидаги ишларимизни аниқ тизим асосида ташкил этиб, уларнинг самарадорлигини оширсак, эртанги кунимизни қуролмаймиз, ўз мақсадларимизга етолмаймиз.

(Давоми 3-бетда.)

2017-yil 8-mart, № 19 (8980)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-, 2-бетларда.)

Бу борада **“Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она”** деган шior доимий кун тартибиде туриши лозим. Биз ёшларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур. Бундай ғоят муҳим вазифани амалга оширишда биз аввало кўпни кўрган кайвони онахонларимизга, маҳалла фаолларига, муҳтарам фахрийларимизга, сиз, азиз опа-сингилларимизнинг ақл-заковатингиз, билим ва тажрибангизга таянамиз.

Оилаларда тиббий, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юрларини битириб чиқаётган ёшларимизни, авваломбор, қиз болаларни иш билан таъминлаш давлат идораларининг биринчи галдаги вазифаси бўлиши шарт.

Айниқса, қизларимизнинг саломатлигини асраш, уларнинг замонавий билим ва касб-хунарлар эгаси бўлиб вояга етиши, жамиятда ўз муносиб ўрнини топиши учун

биз барчамиз — ота-оналар, жамоатчилик, мутасадди раҳбарлар жавобгарлик ва масъулиятимизни янада кучайтиришимиз зарур.

Нега деганда, қиз бола — бўлғуси оила бекаси, келажакимиз эгасидир. Бугун биз улarga қандай таълим-тарбия берсак, ertaga улар янги авлодимизга шундай тарбия беради.

Биз одатда жамиятимиз ҳаётига қарши қаратилган хавф-хатарлар ҳақида гапирганда, кўпинча четдан кирадиган таҳдидларни тушунамиз. Лекин эски замондан қолган айрим салбий ҳолатлар, афсуски, бугунги тинч ва ёруғ ҳаётимизга соя солиб турибди. Лоқайдлик, бир-бирини кўролмаслик, оилада эр-хотин, қайнона-келин, кўни-қўшнилари ўртасидаги келиш-мовчилик, аёлларга беписанд қараш — бундай ярамас иллатлар бизга, бизнинг халқимизга мутлақо ярашмайди.

Бундай номаъқул ҳолатларни бартараф этиш учун биз ҳар томонлама чуқур ўйлаб, мунтазам равишда иш олиб боришимиз керак. Шу мақсадда биз маҳаллий

ҳоқимликлар ва ички ишлар тизими, “Маҳалла” ва “Нуроний” жамғармалари тузилмасини тубдан ўзгартирдик, уларга ёшлар билан ишлайдиган кўшимча штатлар бердик.

Айни шундай ислохотларни биз Республика Хотин-қизлар кўмитаси ва унинг жойлардаги тузилмалари бўйича ҳам амалга оширишни режалаштирганмиз. Кўмита ва унинг ҳудудий бўлиналари ваколатларини янада кенгайтириш, уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, опа-сингилларимизнинг меҳнатини муносиб баҳолаш ва рағбатлантириш, бунинг учун янги имтиёз ва имкониятлар тизимини яратиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўзда тутилмоқда.

Буларнинг барчаси юртимизда хотин-қизларнинг оила ва жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини ошириш, уларнинг ҳаётий манфаатларини янада кенг таъминлаш каби эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Муни ва меҳрибон опа-сингиллар!

Гўзаллик ва нафосат айёми — 8 март байрамини биз ҳар сафар

катта қувонч ва ҳаяжон билан кутамиз. Чунки бу кутлуг айём қалбимизда, юрагимизда сизларга бўлган чексиз меҳримиз, ҳурматимизни изҳор этиш учун яна бир катта имконият беради.

Шу маънода, агарки бу байрам бизнинг ҳаётимизда бўлмаган тақдирда ҳам мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиз, дилбар қизларимизнинг ҳурмати учун бундай байрамни албатта ташкил этган бўлардик.

Нега деганда, сизларнинг доимо мана шундай очилиб, ҳаётдан, тақдирдан рози бўлиб, яйраб-яшнаб юришингиз учун, сизларнинг бахту саодатингиз учун биз доимо сидқидилдан хизмат қилишга тайёرمىз.

Илоҳим, мана шундай қувончли кунларимиз кўп бўлсин!

Сизларни бугунги кутлуг байрам билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сихат-саломатлик, оилавий бахт, фарзандларингиз, набираларингиз камолини кўришни тиламан.

Ҳамиша соғ-омон бўлинг, азизлар!

Оила чароғбони, жамият кўрки

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Пойтахтимизда ўтган байрам тадбирига Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан турли соҳаларда меҳнат қилаётган илгор аёллар тақдирга эгилди.

Байрам иштирокчилари устақиллик ва эзгулик монументи — Бахтиёр она ҳайкали пойига гуллар кўйди. Пойтахтимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди. Ўзбек Миллий академик драма театрида “Иймон” спектаклини томоша қилди.

«Наврўз» давлат қабуллар уйида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кўни муносабати билан тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев тадбирда иштирок этиб, мамлакатимиз хотин-қизларини ушбу айём билан табриклади.

Давлатимиз раҳбари адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият, спорт соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги

Давлат мукофоти билан тақдирланган 15 қизга ана шу юксак мукофотларни тантанали равишда топширди.

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг бу йилги соҳибалари — Тошкент шаҳри Миробод енгил саноат ва сервис касб-хунар коллежи ўқувчиси, 2016 йилги Олимпия ўйинлари иштирокчиси Нигора Турсунқуллова, Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицей ўқувчиси Айжамал Караматдинова хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини янада ошириш борасида кўрсатаётган эътибори учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди.

Тадбирда қатнашган онахонлар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар ташкилотлари, турли вазирлик ва идоралар вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари тўқин дастурхон атрофида суҳбат курди.

Ўзбекистон халқ шоирлари Иқбол Мирзо, Махмуд

Тоир, Сирожиддин Саййид оналарга, аёлларга бағишланган шеърларидан ўқиди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Т.Норбоева мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, аёлларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, қобилият ва интилишларини рўёбга чиқариш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Биринчи Президентимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ушбу тузилма ишини такомиллаштириш, аёллар ҳаётидаги ролини ошириш, маҳаллалардаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, соғлом оилаларни шакллантиришда муҳим омили бўлди.

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини



ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-хунар коллежлари битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланган. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурида ҳам хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

— Ушбу байрам тадбирига йиғилган, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган хотин-қизлар юзида мамнуният ифодасини кўриш мумкин, — деди Хоразм вилояти Урганч туманидаги 38-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ойгул Давлетжонова. — Бу уларнинг ҳаётдан розилиги, фарзандлари камолини кўраётгани, оиласи мустаҳкам ва фаровонлигидан далолатдир.


— Президентимиз халқимиз саломатлиги, маҳаллалар осойишталигига катта

эътибор қаратмоқда, — деди Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳридаги «Намозгоҳ» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Манзура Муродова. — Давлатимиз раҳбарининг «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони зиммамизга янада масъулиятли вазифалар юклади. Шу мақсадда таълим, тиббиёт, ижтимоий муҳофизат ва банк соҳаси вакиллари, тадбиркорлардан иборат ишчи гуруҳ тузиб, Президентимиз таъкидлаганидек, уйма-уй юриб, одамларнинг муаммо ва талабларини ўрганмоқда, масалаларни жойида ҳал қилмоқдамиз. Бундай мулоқот халқимизнинг кайфиятини кўтармоқда, ҳаётга муносабатини ўзгартирмоқда.

Байрам санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерт дастури билан яқунланди.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА мухбири

Аъло АБДУЛЛАЕВ,
Оқил ҒУЛОМОВ (ЎзА)
олган суратлар.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

Зулфия номидаги ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

3. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишлаб ўтказиладиган тантаналарда совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топширилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдоридан пул мукофоти берилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Т.Норбоева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 3 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 3 мартдаги ПК-2815-сонли
қарорига илова

Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙ ХАТИ

Караматдинова Айжамал Женгис қизи — Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицейнинг 3-босқич ўқувчиси

Отажоновна Ғўзал Азамат қизи — Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқўл тиббиёт коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Тоштемирова Илтижохон Валишер қизи — Андижон педагогика коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Идиева Азиза Журабек қизи — Бухоро иқтисодий ва банк коллежининг 1-босқич ўқувчиси

Абдуразоқова Нигина Абдуваҳоб қизи — Жиззах санъат коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Неъматова Ўғилол Акрам қизи — Қашқадарё вилояти Китоб иқтисодий ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Камолова Дилноза Самариддиновна — Навоий вилояти Учқудуқ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежининг 2-босқич ўқувчиси

Муҳаммаджонова Севинч Иброҳимали қизи — Наманган вилояти Чуст спорт коллежининг 1-босқич ўқувчиси

Ўроқова Дилдора Акмалжон қизи — Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 1-иқтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси

Шербекова Нозимабону Нурмуҳаммад қизи — Сирдарё вилояти Бобўт қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг 2-босқич ўқувчиси

Темирова Шаҳрибону Бахтиёр қизи — Термиз давлат университети қошидаги Термиз академик лицейининг 3-босқич ўқувчиси

Раҳматова Дилноза Бакир қизи — Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг 1-босқич талабаси (Тошкент вилояти)

Қурбонова Муштарийбегим Бахтиёржон қизи — Фарғона давлат университетининг 1-босқич талабаси

Машарипова Рухсора Олимжоновна — Урганч давлат университети қошидаги 2-академик лицейининг 2-босқич ўқувчиси

Турсунқулова Нигора Акмал қизи — Тошкент шаҳри Миробод ёнгил саноат ва сервис касб-ҳунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН — СТРАТЕГИК ШЕРИК ДАВЛАТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакатларимизнинг сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантириш борасидаги мақсад ва ёндашувлари муштараклиги, томонлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалаларда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади. Туркменистоннинг ташқи сиёсати бетарафлик, тинчликсеварлик, яхши қўшничилик тамойилларига қурилган.

Ўзбекистон ва Туркменистон халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти, Оролни кутқариш халқаро жамғармаси ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида ҳам изчил ҳамкорлик қилинмоқда.

Мамлакатларимизнинг қўшни Афғонистонда фақат сиёсий йўл билан барқарорлик ўрнатилиши борасидаги фикри ҳам муштарак эканлиги таъкидланди. Терроризм, экстремизм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Президентлар мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда савдо-иқтисодий, нефть-кимё, транспорт коммуникациялари, қишлоқ хўжалиги, маданият, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилди. Савдо-иқтисодий алоқаларни диверсификация қилиш, экспорт-импорт номенклатурасини кенгайтириш, товар айирбошлаш ҳажминини кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистондан Туркменистонга транспорт воситалари, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қурилиш материаллари, электр ва механика ускуналари, металл буюмлар ва турли соҳадаги хизматлар экспорт қилинади. Туркменистондан юртимизга нефть маҳсулотлари, пропилен полимерлари ва бошқа кимёвий товарлар келтирилади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми мавжуд салоҳиятга мос эмаслиги, уни кенгайтириш учун иқтисодий тармоқларидаги имкониятларни яна бир бор таҳлил этиш зарурлиги таъкидланди.

Ҳуқуқларро тадбирлар, ишбилармон доиралар ўртасидаги учрашувлар алоқалари

янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. 2016 йилнинг сентябрь ва шу йил январь ойларида Тошкентда Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Туркменистон ҳуқуқларро комиссиясининг йиғилишлари бўлиб ўтди.

Транспорт соҳаси ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Ўзбекистон худуди орқали Туркменистонга, Туркменистон худуди орқали Ўзбекистонга юк ташилади. Мамлакатларимизнинг ўзаро интеграциялашган автомобиль ва темир йўллари учинчи давлатлар учун ҳам транзит вази фасини ўтамоқда. Шу жиҳатдан Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов ташаббусининг амалий ифодаси бўлган Ўзбекистон – Туркменистон – Эрон – Умон халқаро транспорт-коммуникация коридорини барпо этиш бўйича 2011 йили имзоланган битим геостратегик аҳамиятга эгадир. Давлатимиз раҳбарининг ушбу ташрифи доирасида очилади-ган Амурдарё устида қурилган автомобиль ва темир йўл кўприклари мазкур транспорт йўлагининг муҳим қисми ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳам, Туркменистон ҳам углеводород ресурсларига бой. Уларни экспорт қилиш ўзаро мувофиқ ҳаракат қилишни талаб этади. Ана шундай яқин ҳамкорлик мамлакатларимиз учун энергетика йўналишларини диверсификация қилиш ва жаҳон бозорларига чиқиш борасида кенг имкониятлар яратмоқда. 2009 йилда ишга тушган Туркменистон – Ўзбекистон – Қозоғистон – Хитой газ қувури бунинг ёрқин мисолидир.

Музокарада ҳамкорлиқнинг янги йўналишларини ишга солиш, савдо-иқтисодий алоқалар қамровини кенгайтириш, худудларнинг тўғридан-тўғри ҳамкорлигини ривожлантиришга қелишиб олинди.

Трансчегаравий дарёлардан оқилона фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбек ва туркман халқларининг тарихи ва маданияти муштарак, урф-одат ва анъаналари ўхшаш. Ajdodlarimizning ilmiy-ijodiy merosi xalqlarimizning umumiy mulkiga aylangan. Бу яқинлик маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ривожига мустаҳкам асос бўлмоқда. Икки мамлакат маданият ва санъат намоёндалари, спортчилари Ўзбекистон ва Туркменистонда ўтказиладиган турли концертлар, фестивал ва кўргазмалар, спорт мусобақаларида фаол иштирок этмоқда. 2016 йил сентябрда Туркменистонда ўзбек киноси кунлари, ноябрда мамлакатимизда Туркменистон маданияти кунлари ўтказилди.

Мамлакатларимиз сайёҳлик соҳасида ҳам улкан имкониятларга эга. "Буюк ипак йўли" лойиҳаси доирасида ўзаро боғланган саёҳатлар ташкил этилмоқда.

Илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик ҳам юксалмоқда. Икки мамлакат олимлари қишлоқ хўжалиги, нефть кимёси ва бошқа соҳаларда биргаликда изланишлар олиб бормоқда.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Қўша баёноти, Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани имзолалар. Тегишли вазирлик ва идоралар ўртасида 2018—2020 йилларда иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, темир йўл транспорти соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид меморандум, 2017—2019 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури, 2017—2018 йилларда ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик дастури, Ўзбекистондан Туркменистонга қишлоқ хўжалиги техникалари ва кимё маҳсулотлари етказиб бериш тўғрисидаги шартномалар имзоланди. Хоразм вилояти билан Дашоғуз вилояти, Бухоро вилояти билан Лебаб вилояти ҳокимликлари ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувларда Президентлар ушбу ташриф икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалаларини муҳокама этиш, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият яратганини таъкидладилар. Музокара қаралар очиклик, ўзаро англашув ва дўстона руҳда ўтгани, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Туркменистон халқлари манфаатларига хизмат қилиши қайд этилди.

Шавкат Мирзиёев Гурбангули Бердимухамедовга мамлакатимизда яқинда чоп этилган Махтумқулнинг "Элингга бахш айла" деб номланган китобини совға қилди. Туркменистон Президенти китоб энг яхши тўхфа эканини таъкидлаб, Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Кунининг иккинчи ярмида Президентлар Халқаро Ахалтеки отлари мажмуаси билан танишдилар. Туркменистон Президенти давлатимиз раҳбарига зотдор от совға қилди.

Президентимиз Туркменистон Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди. Фахрий меҳмонлар хиёбонига қўчат ўтказди. Бу хиёбонга Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов 2007 йилда қўчат ўтказган эди.

Давлатимиз раҳбари Сапармурат Ниязов макбарасига гул қўйди. Ўтганларнинг руҳи покларига Қуръон тиловат қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга давлат ташрифи давом этмоқда.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА махсус муҳбири

2017-yil 8-mart, № 19 (8980)

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН:

ЯҚИН ҚЎШНИЧИЛИК ВА ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркманiston Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 6-7 март кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 6 март куни бўлиб ўтди. Давлат раҳбарлари аввал яккама-якка, кейин икки мамлакатнинг кенгайтирилган таркибдаги расмий делегациялари иштирокида музокара ўтказдилар. Уларда савдо-иқтисодиёт, нефть-кимё, транспорт коммуникациялари, қишлоқ хўжалиги, маданият, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркманiston Президенти Гурбангули Бердимухамедов Қўшма баёнотни, Ўзбекистон билан Туркманiston ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Икки мамлакат вазирилик ва идоралари ўртасида иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги ва кимё саноати, темир йўл транспорти, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни, худудлараро алоқаларни ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ташрифнинг иккинчи куни Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов Туркманобод шаҳрига бордилар.

Ушбу шаҳар яқинида Амударёда қурилган Турк-

лотлари кўргазмасини кўздан кечирдилар.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мазкур кўприклар халқларимиз дўстлигининг тимсоли бўлиб, нafaқат Туркманiston, балки бутун минтақа uchun geostrategik аҳамиятга эга эканини қайд этди. Ўзбекистонда ҳам транспорт коммуникацияларини ривожлантириш бўйича улкан ишлар амалга оширилаётгани, хусусан, ўтган йили қурилган Ангрэн — Поп темир йўли Марказий Осиёни Хитой билан темир йўл орқали боғлаганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон ва Туркманiston темир йўллари ўзаро интеграциялашиб, қайта тикланаётган Буюк ипак йўлининг муҳим бўғинини ташкил этади, минтақа ривожи ва халқларимиз фаровонлигига хизмат қилади.

Президент Гурбангули Бердимухамедов Туркманiston транспорт ва транзит соҳаларини ривожлантириш бўйича ташаббусларни илгари сураётгани, ушбу кўприклар бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодаси эканини таъкидлади. Қурилиш ишларининг сифати ва аҳамиятини юқори баҳолаб, қурувчи ва пудратчиларга миннатдорлик билдирди.

Давлат раҳбарлари по-



Мажмуада Ўзбекистон ва Туркманiston давлат байроқлари акс эттирилган. Уларнинг ёнидаги гранитда Ислоҳ Каримовнинг «Биз қадрлашимиз ва юксалтиришимиз зарур бўлган муҳим бойлик – бу мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ишончдир» деган сўзлари ўзбек ва туркман тилларида битилган.

Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов Буюк Йўлбошчимизнинг ушбу ўғитига амал қилиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаб, ўзаро ҳамкорликни изчил ривожлантирмоқда.

Мазкур ёдгорликнинг очилиш маросими бўлди.

Ислоҳ Каримов буюк сиёсатчи, улуғ давлат арбоби, ўз халқини жонидан ортиқ севган ватанпарвар инсон эди, деди Гурбангули Бердимухамедов. Ўзбекистоннинг янги ҳаётида дуч келган турли муаммо ва қийинчиликларни оқилона енгиб ўтди. Бутун минтақа тинчлиги ва ҳамкорлигига, жумладан, Ўзбекистон билан Туркманiston алоқалари ривожига улкан ҳисса қўшди. Ислоҳ Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш қарзимиз эди. Бугун ушбу вазифани адо этар эканмиз, у кишининг меросини асрашимиз, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашимиз зарур.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов хотирасига ҳурмат баҳо келтирганинг учун чуқур миннатдорлик билдираимиз, деди Шавкат Мирзиёев. Ислоҳ Каримов буюк давлат арбоби, узокни кўра олади-ган доно сиёсатчи, замо-

намизнинг ёрқин, улуғ шахсларидан эди. Мустақиллигимиз асосчиси Ислоҳ Каримов Ўзбекистонда кучли давлат барпо этди, жамиятимизни демократия йўлидан изчил ривожлантирди. Шу билан бирга, бутун минтақамизда тинчлик, хавфсизлик ва аҳиллик муҳитини яратишга улкан ҳисса қўшди. Ўзбекистон ва Туркманiston ўртасида қарор топган алоқалар дўстлик, яхши қўшничилик муносабатларининг намунасига айланди.

Президентлар Ислоҳ

лигини яққол намоён этди, мамлакатларимизнинг замонавий ва муتمоз санъати билан кенг танишиш учун қулай имконият бўлди.

Сарой фойесида ўзбек ва туркман халқ амалий санъати буюмлари намоён бўлди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркманistonга давлат ташрифи якунига этди.

Туркманобод аэропортида Ўзбекистон Президентини Туркманiston



Каримов ёдгорлик мажмуасига гуллар қўйдилар. Ислоҳ Каримов номидаги кўча бўйлаб сайр қилдилар.

Ўзбекистон ва Туркманiston ҳукуматлари аъзолари, дипломатик корпус, кенг жамоатчилик вакиллари ҳам Биринчи Президентимиз ёдгорлиги пойига гуллар қўйди.

Туркманобод шаҳридаги «Рухият» саройида Ўзбекистон ва Туркманiston санъат усталарининг концерти намоён бўлди. Бу ўзбек ва туркман халқларининг бир-бирига яқин-

Президенти кузатиб қўйди.

Президентимизнинг Туркманistonга ташрифи ва унинг доирасида имзоланган ҳужжатлар, бўлиб ўтган маданий тадбирлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик яхши қўшничилик ва қардошлик тамойиллари асосида ривожланиб бораётганини яққол намоён этди.

Анвар САМАДОВ,
Ўза махсус муҳбири.

Тошкент – Ашхобод – Туркманобод – Тошкент.



Сарвар ўрмонов (Ўза) олган суратлар.

манобод — Фараб автомобиль ва темир йўл кўприklarининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Автомобиль кўпригининг узунлиги 1600, темир йўл кўпригининг узунлиги 1750 метр. Уларни қуришда туркманistonлик ва украиналик қурувчилар иштирок этган, Германия, Норвегия технологияларидан фойдаланилган.

Президентлар кўприklar олдидаги майдонда ташкил этилган ўзбек ва туркман амалий санъати намуналари, хунармандлик махсу-

ездга ўтириб, кўприкдан ўтдилар.

Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов билан видолашув маросимида Гурбангули Бердимухамедов Туркманistonда Буюк Йўлбошчимиз хотираси абадийлаштирилишини таъкидлаган эди. Шу мақсадда Туркманобод шаҳридаги марказий кўчалардан бирига Ислоҳ Каримов номи берилди. Ушбу кўчада ёдгорлик мажмуаси барпо этилди ва Биринчи Президентимизнинг бюсти ўрнатилди.

УМИД ВА ИШОНЧ ТИМСОЛИ

Халқ таълими вазирлигида Зулфия номидаги Давлат мукофотининг 2017 йилги соҳибаларини табриклаш маросими бўлиб ўтди.



Тадбирда Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Маълумки, ушбу Давлат мукофоти 1999 йили таъсис

этилган бўлиб, таълим, адабиёт, санъат, маданият ва спорт каби соҳаларда юксак марраларни забт этаётган истеъдодли қизларга берилади. Мукофот соҳибалари нафақат ўз йўналишида, балки жамоат ишларида, миллий қадриятлар тарғиботи, китобхонлик, одоб-ахлоқ, интеллектуал сало-

ҳиятда ҳам тенгдошларига ўрнак, уларни нури марралар сари ундовчи куч сифатида ўзларини намён этиб келмоқда. Сўзга чиққанлар, мукофотнинг шарафидан унинг масъулияти улканлигига урғу бериб, ўзига хос сурурли ва машаққатли бу ишда Зулфияхоним издошларига муваффақият тилади.

— Биз икки қарра бахтлигимиз. Нуфузли мукофотга лойиқ кўрилганимиз ва айниқса, уни шахсан Президенти-

дентимизнинг қўлларидан олганимиз кувончимизни яна бир ҳиссага ошириш баробарида, зиммамизга катта масъулият ҳам юкланди, — дейди мукофот соҳибаси Нозимабону Шербекова. — Кўкрак нишони тимсолида "келажакда сиздан кўп музаффар одимларни кутамиз" деган умидни, ишончни қадагандек бўлдилар. Энди бутун куч ва ғайратимизни Президентимиз тимсолида барча юртдошларимиз билдир-



ган ишончни оқлашга, шу азиз Ватаннинг ривожланишига ўз ҳиссамни қўшишга сафарбар қилман.

Давлат мукофоти лойиқ кўрилган 15 иқтидорли қиз номи эълон қилиниб, саҳнага тақлиф этилган, Халқ таълими вазири Улуғбек Иноятов мукофот соҳибаларини қутлаб, қимматбахо эсдалик совғаларини топширди. Шунингдек, бошқа ҳамкор ташкилотлар вакиллари ҳам сўзга чиқиб, Зулфияхоним издошларини табриклади.

Тадбирнинг бадиий қисмида пойтахтимиздаги В.Успенский ва Глиэр номидаги РИМАЛ ўқувчилари иштирокида тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Т.Норбоева сўзга чиқди.

Дилмурод ДЎСТБЕКОВ,
"Ma'rifat" муҳбири

Устозлар доимо бизни нури манзиллар сари бошлайдиган, ўз ҳаёти, эзгу амаллари билан ҳамisha ўрнак бўладиган фидойи инсонлардир.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 210-мактабнинг тажрибали бошланғич синф ўқитувчиси Назокат Дониёрова ана шундай меҳридаре муаллима. Устозни, қачон борсак ўқувчилар қуршовида учратамиз. Баҳор нафаси кезиб юрган шу кунларда байрам билан қутлаш учун борганимизда ҳам худди шундай манзарага гувоҳ бўлдик.

Меҳридаре муаллима



Назокат Дониёрованинг ажойиб фазилати бор ва бу хислати унинг ўқувчилар қалбидан чуқур жой олишида асосий омил бўлган. Муаллима болалар мавзуни пухта ўзлаштирмагунча улар билан қайта-қайта ишлашдан эринмайди. Керак бўлса, дарсдан кейин, уйда ишлари кўп бўлишига қарамай нигоҳлари ўзига қадалган қорақўзларни ташлаб кетолмайди. Баъзан ота-онаси олиб кетишга кеч қолганда, болаларни у-бу егулик билан ҳам сийлаб турадиган меҳрибон муаллимани шунинг учун ҳам яхши кўрадиган ўқувчилар устозларининг бу ишончини аъло баҳоларга ўқиш билан оқлашмоқда.

Гулрух АХМЕДОВА

Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

Фарзанд келажаги — ота-она манфаати

Бола тарбиясидек мураккаб вазифада ота-она ўқитувчи ва маҳалла билан ҳамкорликни самарали йўлга қўйса қутилган натижага эришиш мумкин. Тошкент вилояти Зангиота туманидаги умумтаълим мактабларида мазкур ҳамкорлик механизми самарадорлигига хизмат қилувчи маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, 27-мактабда "Касб танлашда ўқувчи мажбурияти, ота-она манфаати ва маҳалла масъулияти" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбир доирасида 6—9-синф ўқувчилари ўртасида баскетбол, стол тенниси, «Кувнок стартлар» спорт мусобақаси ҳамда «Ўқувчи ва ота-оналар учун оммавий китобхонлик марафони» ўтказилди. Таклиф этилган ота-оналар ва мутахассислар ўқувчиларни иқтидорига қараб касбга йўналтиришнинг афзалликлари хусусида фикрлашишди.

— 9-синф битирувчиларини касбга йўналтириш мақсадида ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан тўрт мартаба — «Касблар ҳақида маълумот», «Сиз фарзандингизни биласизми?», «Касблар фестивали», «Фарзандининг келажакдаги тақдирини — меннинг тақдирим» мавзуларида суҳбатлар, психологик тест ва фестиваллар ташкил этилди, — дейди 27-мактаб директори Нодира Умрзоқова. — Бугунги фестивалда ўқувчилар ўзлари танлаган касбнинг афзалликлари турли усулларда кўрсатиб беришди. Айниқса, «Оталар мажлиси» ташкил этилиши ҳаммага маъқул бўлди.

Муаттар Нуридиннова, Дилмира Каримова, Шафоат Мавлонова, Ирода Маматова каби ўқитувчилар Зангиота агросервис касб-хунар коллежи мутахассислари ҳамда ота-оналар иштирокида касбга йўналтирувчи очик дарслар ўтишди.

Мухлиса УБАЙДУЛЛАЕВА

«Садоқат ва баҳор куйчиси»

Янгир академик лицейида мунис аёл, меҳрибон она, вафодор ёр, соҳир туйғулар куйчиси сиймоларини ўзида жам этган Зулфияхоним таваллуд санасига бағишланган «Садоқат ва баҳор куйчиси» номли маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Адабий кечада вилоятда яшаб, ижод қилган шоир-ёзувчилар, Гулистон давлат университетининг профессор-ўқитувчилари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси вакиллари ҳамда лицей ўқувчилари иштирок этди.

— Шоира ҳақида гапирганда, унинг серқирра инсон бўлганлигига урғу бермай иложимиз йўқ. Боиси, Зулфияхоним фарзандларига ота ўрнида ота, она ўрнида она бўлиб, камолга етказди. Шу билан бирга кўнглидаги ҳис-туйғуларини оқ қоғозда моҳирона ифодалай олди, сермахсул ижод қилди, — дей-

ди филология фанлари номзоди Қобил Кубаев. — Жамоат ишларида кўрсатган фаоллиги, хотин-қизлар нашрига бошчилик қилиб, юртимиз аёллари ҳаётидаги кувончу ташвишларни, муаммо ва камчиликларни ҳал этишда жонбозлик кўрсатгани ҳар қанча эътирофга лойиқ.

Тадбир давомида мазкур таъ-

лим муассасасида таҳсил олган Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибалари сўзга чиқиб, шоира ижодида бўлган меҳри ўз интилишлари билан уйғунликда уларни муваффақиятга етаклагани хусусида гапирди.

Адабиётга ихлосманд йигит-қизларнинг шоира шеърларидан намуналар ўқиши йилгиланларга баҳорий кайфият улашган бўлса, янграган куй-қўшиқлар, жозибали рақслар тадбирга ўзгача шуқуҳ бағишлади.

Акрамжон САЛОҲИДИНОВ,
лицейнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Аёлга эҳтиром

Тошкент фармацевтика институтида 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишлаб "Аёлни эъзозлаган юрт" мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбек Миллий академик драма театри санъаткорлари, институт профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар иштирок этди.

— Аёллар умримизга чиroy бағишлаб тurgan энг нафис гулга қийсдир, — дейди институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори Сарвар Алиев. — Улар

бугун жамиятимизнинг барча жабҳаларида фаол. Латофатли қизларимиз, мунис аёлларимиз ҳар қанча эъзозу эътиборга лойиқ. Бугунги тадбиримиз ҳам ана шундай фидойи, меҳнаткаш аёлларимизга эҳтиромимиз намунаси.

Тадбирда аёл сиймоси мадҳ этилган турли спектакллардан парчалар ижро этилди. Куй-қўшиқлар ва рақслар гулдастаси барчага хушқайфият бағишлади.

Сардор МУСТАФОЕВ,
ЎзДЖТУ талабаси

2017-yil 8-mart, № 19 (8980)

Меҳр-муҳаббат боғбонисиз...

Юртимизда баҳор — гўзаллик ва нафосат фасли. Кўкламой диёримизга кўша-кўша байрамлар, шоду хуррамлик, файзу баракати олиб келгани учун ҳам қадри ва соғинчли. Айниқса, муҳтарам онахонлар, лобар аёллару латофатли қизлар байрами 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни кўтаринки кайфиятда нишонланмоқда.



Bayram shukuh!

Барчамиз табассум ила гулдаста ифорини оламга ёйиб, мўътабар оналару опа-сингилларимизни қутлашга ошқамиз. Айниқса, халқимизнинг минглаб фарзандларини ўз бағрига олиб, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаётган меҳрибон, гўзал ва дилбар ўқитувчи аёлларга хурмат-эҳтиром кўрсатаётган ўғил-қизларни кўриб, дил қувнайди. Халқ таълими вазирлигининг "Халқ таълими тизимида 8 март — Хотин-қизлар кунини нишонлаш тўғрисида"ги буйруғига кўра, барча умумтаълим мактабларида байрам муносабати билан тадбирлар ташкил этилмоқда. Жумладан, Зулфия номидаги давлат мукофоти совридорлари фаолиятини кенг тарғиб қилувчи турли учрашувлар, "Онам дерман", "Устозим онам" каби мавзуларда оналарни унголловчи расм ва ишонлар танловининг ўтказилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Ўқувчилар устоз ва мураббийларни қутлаб, фахрий ўқитувчилар, маҳалладаги нуруний онахонлар, химояга муҳтож аёллар ҳолидан хабар олишмоқда, совға-салом улашиб, кўнглини шод этмоқда.

— Иқтидорли ўқувчиларимиз кўп, — дейди Нукус шаҳридаги 22-мактаб ди-

ректори Ширин Ембергенова. — Азиза Бойжигитованинг ўтган йили Зулфия номидаги давлат мукофотида сазовор бўлиши бутун мактабимиз жамоасини хушнуд этди. Улбўсин Рейпназарова билимлар беллашувининг республика босқичида 2-ўринни эгаллади. Ёш шоира қизимиз Азиза Умрбоеванинг "Оқ ниет" номли шеърлар тўплами кўпчиликка манзур бўлди. Мактабимизда байрам тадбири ўтказиб, иқтидорли ўқувчилар мисолида меҳнат, ижод ва изланиш ўлкан ютуқларга асос бўлишини таъкидладик.

Дунёда аёл кулгисидан-да жозибалроқ ҳолат бўлмаса керак. Бухоро шаҳридаги 13-мактабда ташкил этилган байрам тадбирида аёллар табассуми намоян бўлди. Ўқувчилар ўртасида "Меҳр-муҳаббат боғбонисиз, азиз оналар!" мавзусида ўтказилган расмлар танлови мавзуси ҳам гўёки ана шу кўтаринки кайфиятнинг ифодасига айланган бўлса, ажаб эмас.

— Аёл — нафосат ва гўзаллик тим-

соли. Унинг меҳридан қалблар сурурга тўлади. Жамиятдаги мавқеи ҳақида сўз кетса, кўз ўнгимизда Тўмарис, Бибихоним, Нодирбаегим, Увайсий каби буюк сиймолар гавдланади. Ўқувчилар ҳаёт йўли, дунёқароши асрлар давомида юртимиз аёлларининг чинакам тимсоли бўлиб келаяпти, — дейди Бухоро шаҳридаги 13-мактаб директори Зиёда Ҳожиёва. — Оналарни шарафлаш, она-сингилларни ардоқлаш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган қадрият. Байрам тадбирини эзгуликка чорловчи интеллектуал беллашув билан бошлаб, куй-қўшиқларга уладик. Ўқувчилар онасига, устозига аталган қалбдаги нозик ва инжа туйғуларни рангли бўёқлар ёрдамида ифода этди. Ўғил-қизларимиз чизган суратлар нақадар таъсирли ва мазмунга тўлиқ! Танловда ғолиб бўлган 5-"А" синф ўқувчиси Истатбону Исматова чизган Зулфия портретига термулиб турган аёл суратига шундай изоҳ беради: "Расмдаги аёл — онам. У ҳам баҳорда таваллуд толган. Онам ме-

нинг ҳам Зулфияхоним каби шоира бўлишини истайди. Шу боис ҳар куни Зулфия портретига қараб, дуо қилади".

Яккасарой туманидаги 118-мактаб жамоаси байрамни Шоиста Иброҳимова, Турсуноя Маҳмудова, Муҳаррам Толипова, Муқаддас Юсуфхўжаева каби фахрий ўқитувчилар ҳамда Ҳамид Сулаймонов, Абдулла Қаҳҳор номидаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи нуруний онахонларни табриклар билан бошлади. Ўқувчилар томонидан тайёрланган турли эсдалик совғалари устоз ва мураббийларга тўхфа этилди.

— Байрам баҳона, қадрдонлар билан дийдорлашдик — дейди фахрий педагог Шоиста Иброҳимова. — Кўз тегмасин, мактабимиз педагогик жамоаси жуда аҳил. Биз нурунийларни эъзомлаб, хурмат-эҳтибор кўрсатган ҳамкасбларимиздан мамнунми. Гул кўтариб, совға-салом билан хонадонимизга кириб келган ўқувчилар ва ҳамкасбларимиз билан бир пиёла чой устида гурунгладик. Дийдорлашувга нима етсин! "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да ўтказилаётган бундай учрашувлар ёш авлод билан катта авлод вақиллари ўртасида мустаҳкам риштани боғлайди.

Аёл борки, олам мунаввар. Гўзалликда тенгсиз, ўз латофати ва нафосати, вафоси ва садоқати билан оилаларимизни гудек яшинатаётган, хонадонимиз кўрчи ва бекаси, эзгулик тимсоли бўлган опа-сингилларимиз ҳар қанча эҳтиромга муносиб. Таълим муассасаларида ўтказилаётган тадбирларда бу яққол ифодасини топмоқда.

Ҳасан МҮМИНОВ,
"Ma'rifat" мухбири
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган сурат.

Онадек меҳрибон ва азиз

Таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган опа-сингилларимиз давр билан бирга қадам ташлаш, хизмат вазифасига масъулият билан ёндашиб, жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш, онаси фаровонлигини таъминлашни мақсад қилиб яшайдилар. Улардан аксариятининг зиммасига яна бир муҳим вазифа юклатилган — синф раҳбарлиги. Ўқувчиларнинг ўзлаштириши, давомати, одоб-ахлоқини назорат қилишга масъул бўлган ўқитувчи уларга ўз онасидек азиз ва сирдош бўлиб қолади.

Мастура ЖУМАЕВА, Каттакўрғон туманидаги 28-мактабнинг 7-синф раҳбари:

— Синфимда 18 ўқувчи бор: 14 нафари қиз, 4 нафари ўғил бола. 2014 йил сентябрь ойида қабул қилиб олар эканман, ўқувчиларни ўзимга жуда яқин ҳис қилдим. Ўқитувчи зоти табиатан шундай. Ҳар бир болага руҳан яқинлашмасак, қалбига қўлоқ солмасак, ўзимизга нисбатан хурмат-эҳтиром уйғота олмаيمиз. Синф раҳбари қилиб тайинлансангиз, бу талаб икки-уч қарра кўнади. Янги ўқувчиларим орасида "қоникарли" баҳога ўқийдиганлари йўқлигидан хурсанд бўлдим. Бу тажрибали ҳамкасбим Гулжамол Иброҳимова меҳнатининг махсулидир. Оддийгина ҳақиқат: синф жамоасида билим эгаллашга иштиёқ кучлими, бу уларнинг одоб-ахлоқ мезонларига риоя қилишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Мактабимиздаги мавжуд 13 та синф ичида ўқувчиларим жамоаси барча кўрсаткичлар бўйича олдинги ўринлардан бирига чиқиб олди.

"Синф раҳбари журнали"га ота-оналар билан ўтказилган йилги тафсилотлар, мактаб раҳбарияти томонидан берил-

ган кўрсатмалар, ҳар бир ўқувчининг умумтаълим фанларидан ўзлаштириши, давомати, билимлар беллашувида эришган натижа, тадбирларда, жамоат ишларида иштирокини қайд қилиб бораман. Бунга қўшимча тариқасида "Сўхбат дафтари"ни юритаётганим ўқувчиларга ҳам маъқул келибди. Бу дафтар мени ота-оналар билан "боғлайди". Қайси ўқувчида қандай муаммо юзга келса, қисқа ва лўнда қилиб, ота-онасига хабарнома юбораман. Эртасига ёки ўша куннинг ўзида боланинг отаси ёки онаси мен билан боғланиб, муаммони ҳал этишга киришади. Қисқаси, бола тақдири учун ота-она қанчалик қайғурса, синф раҳбари улардан асло кам ташвиш чекмайди. Ҳар қуни дарс тугаши билан ўқувчиларини даврасига шошаман. Кимнинг рейтинг бали қандай? Фавқулодда вазиятлар рўй бермадими? Болажонларим менинг шундай савол билан юзланишимга одатланган. Юқори балл олган ўқувчини қўчиб қўяман, кўрсаткичи паст болани рағбатлантириш учун "Келгуси дарсга пухта тайёрлансанг, синфдошларингга албатта етиб оласан" деб қўйсам кифоя. Ўтган йили уч ўқувчим

билимлар беллашувининг туман босқичида инглиз тилидан фахрли ўринларни эгаллаб, бири вилоят босқичида ҳам муносиб иштирок этиб қайтди. Худди ўз фарзандим шу ютуққа эришгандек, бирим қувондим...

Дарвозамиз тақиллади. Байрам арафаси бўлгани учун, битта-яримта қариндош-уруғларим йўқлаб келдимикан, деган хаёлга бордим. Қарасам, 6-синф ўқувчилари (ҳозир 7-синф), кўлида гулдаста. Бир овоздан "Табриклаймиз!" де-



Ehtirom

йишса бўладими?! Шошиб қолдим, ҳар бирини бағримга босдим. Қўзлари чакнаб, менга меҳр билан боқиб турган болаларимга омад тиладим. Таъсирланганимдан кўзимга ёш келди...

Шоира ТУРДИБЕКОВА, Яшнобод туманидаги 149-мактабнинг 8-синф раҳбари:

— Синфимдаги 30 ўқувчимнинг дарди менинг муаммомга айланган. Хаттоки, уйда ҳам ўқувчиларимнинг юриштириши, ўзини тутиши кўз ўнгимдан ўтиб туради. Ота-онаси ажримдан сўнг Сардор исмли ўқувчим қийин аҳволда қолди. Сирқаси сув кўтармайдиган, бўлар бўлмасга жанжал қиладиган характер эгаси эди. Боласини "йўлга" соломлаган онадор уни собиқ турмуш ўртоғиникига "бадарга" қилди. Ота-онасида ҳам қўним ва осойишталик тополмаган ўсмир бир ўқув йилида яна

онаникига қайтди. Педагог сифатида унинг кўнглига қўл солдим: "Сен жуда ақли борласан, ҳозир ўқиб, пухта билим эгалламасанг, кейинчалик панд еб қоласан. Кел, Сардор, иккаламиз битим тузимиз. Бунга кўра, сен умуман дарс қолдирмаслигинг керак. Мен эса сенга ҳар қандай вазиятда ёрдам беришга тайёрман, келишдикми?". Ундан ҳар куни ҳол-аҳвол сўрайман, тушулмаган мавзуларни бўйича ҳамкасбларимдан қўшимча дарс (5—10 дақиқа) ўтишини илтимос қиламан. Ишончи, ишонманг, икки ойга ҳам етмай, синфда отнинг кашқасидек маълум бўлиб, ҳамма ўзини ундан четга оладиган ўқувчим кескин ўзгарди. Юриш-туриши, ўзини тутиши, баҳолари... Демак, синф раҳбари болани рағбатлантириши, ўзига нисбатан ишонч хиссини пайдо қилиши керак. Шундагина у биз педагогларга қўнглини очади.

Дилшода РАЖАБОВА, Шовот туманидаги 43-мактабнинг 9-синф раҳбари:

— Мактаб ҳовлисидаги қиришим билан орқамдан кимдир "Устоз, мумкинми, бир нарсани сурамоқчи эдим?" дея мурожаат қилди. Қарасам, синфимдаги қизлардан бири. Шошиб турган бўлсам-да, у билан сўхбатлашим кераклигини ҳис қилдим. Қўлиқина бу қизнинг ўқиши, одоби жойида, нима унинг тинчини бузаётган бўлиши мумкин? Салом-алиқдан сўнг ичидагини айтмай каловланаётганини сездим. "Айтавер, айтавер, ҳеч хижолат бўлма, аёл кишиман-ку, ҳаммасини тушунаман" дея қизимга

юзландим. "Устоз, менга синфдошларимдан бири хат ёзибди...". Тушунарли. "Утиш даври"га хос кечинма, яъни, ўтқинчи туйғу. Табиийки, ҳар қандай ўсмир қиз севи мактуби олса, ҳаяжон оғушида қолади. Унга ётиги билан бу ҳолат ўткинчи эканлигини, ҳозирча фақат билим эгаллаш, касб-ҳунар ўрганишга эътибор қаратиш зарурлигини ўқитдим.

Синф раҳбари боланинг сирдoshi бўлиши лозим. Онасига, отасига айтолмаган гапини у энг яқин ўқитувчисига айтиди. Синфимдаги 20 нафар ўсмирнинг мени ўз онасидек кўришини сезаман. Айниқса, ҳафтанинг жума кунини ўтказадиган тарбиявий соатим очик, дўстона мулоқотга айланиб кетади. 9-синф бўлгани учун уларда анча-мунча мустақил фикр шаклланган. Таълимнинг кейинги босқичига тайёрланаётган ўқувчиларимга ўз тақдир йўллари тўғри белгилаш учун маслаҳат бераман. 5-синфда жодирабгана бағримга кирган болажонларимнинг бўйи бўйим билан тенглашиди. Бу йил улар билан хайрлашишни ўйласам, ҳозирданок кўзларимга ёш келади. Айнан шу ҳолатни барча синф раҳбарлари бошдан кечирса керак.

Синф раҳбарларининг мулоҳазаси ўзига хос ва ҳаётий. Зеро, ўқувчини ўз фарзанди қатори кўриб, у билан дардлашувчи, қийин вазиятда қўлашувчи синф раҳбарини "онадек меҳрибон ва азиз", деб таърифлашга ҳақлимиз.

Ҳулқар ТҮЙМАНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ



Ўзининг латофати ва нафосати, вафоси ҳамда
садоқати билан оилаларни гулдек яшнатаётган,
хонадонларимизнинг кўрки ва бекаси бўлган

аёлларни 8 март — Халқаро

хотин-қизлар куни билан қутлаймиз!

Ушбу айём муносабати билан бахт-саодат,

узок умр, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

Гулгун чехраларингизни табассум

ҳеч қачон тарк этмасин!



Айёмингиз муборак бўлсин, муңие онажонлар, дилбар она-синчилар!



НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

*Муҳис ва муҳитарама онахонлар!
Қадрили она-сингиллар! Баргангизни
8 март — Халқаро хотин-қизлар кўчи
байрами билан сатимий
муборакбод этамиз!*

*Қалбимиз тўқибдаги энг
сатимий тўйгуларимиз,
хурмат ва эҳтиром,
меҳр-оқибат, севги ва
садоқатимиз муқассам
бўлган жамкики эзиз тилакларимизни
Сизларга йўллашдан татнуқимиз!*



Абдулла АЪЗАМ

Муаллималар

Муаллимлик — шунчаки касб эмас, балки тақдир, алоҳида масъулияти бор шарафли фаолият. Таниқли олим, ижодкор Абдулла Аъзам умр йўллари йўлчирик мисол ёритиб турган муаллимларини эслаб, ҳаёла бўёқлари-ла хотира ойнасига ўшал маъсума устозлари сиймосини, соғинчлини чизади... Эътиборингизга ижодкорнинг ушбу туркумдаги мақолаларидан бир қисмини ҳавола этаётирмиз.

Ярим асрлик кузатишлар ва таърибага таяниб шундай хулоса чиқардим: фақат ўқитадиган, ниманидир ўргатиш билан чекланадиган ўқитувчи ўқувчилар ҳаётида чуқур из қолдирмайди; толиб муаллимдан илмдан ҳам кўпроқ ибрат олади.

Бир қарашда йигитлар муаллимлардан, қизлар эса муаллималардан сабоқ олиши керакдай. Умуман олганда, шундай ҳам. Аммо ҳозир ўқувчи эътиборига ҳавола этилаётган «олис хотиралар» муаллималарга бағишланди. Улар бугун фоний дунёда йўқ. Ҳикояларда ҳаёт ҳақиқатига бироз бадийий тўқима аралашган бўлса, уларнинг руҳларидан ҳам, ўқувчилардан ҳам уэр сўрайман.

Зайнаб Султонова

Учинчи синфда ўқирдик. Уруш даври ва ундан кейинги йилларда туғилган болалар кўп бўлмагани учун, синфимизда — унтагина ўқувчи. Дарслар 20-йилларда маҳаллий бойлардан бирининг мусодара қилинган равоқли уйида ўтарди. Муаллимимиз Зайнаб Султонованинг қовоғи ҳаммаша тунд, бирор марта бўлсин жилмайганини ҳеч ким кўрмаган. Бироқ биз учун қизик туоладиган ҳолат — опани мактабнинг қоровулидан тортиб директориғача ҳамма ҳурмат қилар, ҳатто тили аччиқина бўлгани учундир, бироз ҳайқишар ҳам эди.

Опа бошига тушган кетма-кет фожиали синовларни мардоналик билан кўтарган — 30-йилларнинг қатағонидан отаси ва акасидан жудо бўлган. Уруш бошланиши билан хизматга чақирилган эри ҳақида «қора хат» келган ва опа энди юра бошлаган ўғли ва эмизикли қизи билан бева қолган. Уруш даврининг қаҳатчилигига қарамай у бошқа турмуш қурмаган, ҳаётини фарзандларини тарбиялашга сарфлаган.

Қулларнинг бирида ўқитувчиси Бетоблиги сабаб, иккинчи синф дарсини биз билан қўшиб ўтадиган бўлибди. Ўша кунни биринчи қор ёққан, шунинг учун чўян печка ёқилмай қолган, эшиги тўғри айвонга очилди ва хона совуққина бўлиб, қуналадик ўтирдик. Опа топширик бериб бизни машғул қилиб қўйган, қўлга иккинчи синф журналани олди. Уйга шёр ёдлаш берилган экан, рўйхатнинг энг юқорисидаги болани доскага чакрди:

— Абилов.

Шундоққина биринчи қаторнинг четидан ўтирган ўртоғимиз, ҳали опа бошини рўйхатдан кўтармасидан, дийдираганча доскага чиқди. У почаси калта иштон кийган, яланг оёғида елим калиш. Чиқшга чиқди, аммо шёр ўқийдиган ҳолатда эмасди.

Опа бошини кўтариб, биз кўниқиб қолган оҳангда сўради:

— Ҳа, ёдламадингми?

Опанинг дийдаси қаттиқлиги бора-сидаги «шухрати»дан иккинчи синф ҳам хабардор бўлса керак, кўрқаниданми Абиловнинг кўзиде ёш миллиради, бир титраб олди... Кейин унинг оёғидан буғи чиқиб илиқ суюклик каллишига оқиб туша бошлади. Буни кўрган опанинг феъли бузилди.

— Сени етим қилиб ташлаб кетган онангнинг гўрига ўт тусин! Сени шу аҳволда мактабга юборган ўғай онангни Худо олсин! Сени шу кунга солган отанг балога йўлиқсин! — опа бир

неча дақиқа бисотидаги энг аччиқ иборалар билан Абиловнинг етти пуштига қўшиб шафқатсиз тақдирдан аламини олди. Кейин Абиловга:

— Ўтир. Шошма, ма, дея журнал ўралган газетани ечиб олиб унга тутказди:

— Энди бор, артин.

Кейин синфқўмга буюрди:

— Бор, ўскин акангни чақириб кел. Опанинг феълини яхши билган синф сардори ўқдай ўчиб, бошқа бинода ўқийдиган опанинг ўглини бошлаб келгунча, синфимизда кишикидан ўтадиган совуқ кайфият ҳукм сурди.

Ўскин ака келган, опа сумкасидан пул чиқариб, унга тутказди:

— Ботинка олиб кел, ўттиз... иккинчи размер. Икки жуфт иссиқроқ пайпоқ ҳам олвор. Етмасе, эртага опекелиб бераман, де.

Сукут яна ботинка етиб келгунча давом этди.

Кейинги шу кунги дарсларни, жадвалда бўлмаса ҳам, рус тили ўқитувчиси ўтди.

Ҳафиза Шокирова

Мавзусио мазмуни ҳаёт ҳақиқатиға эид дарсларни ўтиш виждонли муаллимларга осон кечмаган. Бу опа бизга дарсга кирмаган, у билан ўзим дарс бера бошлаганда танишганман. Аммо таълимда принципиаллик сабоғини олганман. Талабалар, одатда, талабчан ўқитувчиларни унча ёқтиришмайди, аммо вақт ўтиши билан кўпроқ кадрлай бошлайди.

Ҳафиза опа астрономиядан диссертация ёқлаган биринчи ўзбек олимаси эди. Ўтган асрининг 50-йилларидан ТошДўнинг табиий фан факультетларидан бирида «Олий математика» кафедрасида етакчи доцент сифатида меҳнат қилган. Таълимга нисбатан принципиалликда, айниқса, талаба ёки абитуриент билимини ҳолис баҳолашда қаттиқ турадиган мударрис бўлган. 70-йилларга келиб, унинг бу атери факультет кайвонлиларига ёқмай қолган — бу даврда олий ўқув юртларига қабулда таниш-билишчилик кучаяди, таъмагирлик ҳам илдиэ ота бошлайди.

Ҳафиза опа «илтимос»ларга қулоқ солмаган, бахони барибир ҳолис қўяверганки, оқибатда ҳозирги замон сивсатшуносари тили билан айтганда манфаатлар зидлиги юзага келган. 80-йилларга келиб, таълим борасидаги шўро сивсэти бутунлай ўзгарди — «талаба ўзлаштирмаса, бунга унинг ўзи эмас, дарс берган ўқитувчи айбдор» деган принцип (аслида принципсизликнинг яна бир тури) зуғум билан жорий этила бошлади.

Бир маромда ўтаётган кунларнинг бирида Ҳафиза опа касалхонада даволанаётган қариндошини кўргани боради. Унинг-ку ахлоли ўнглашиб, икки-уч кунда уйига жавоб оладиган, аммо негадир кўнгли хира экан. Опа сўраб билса, палатадош бир аёл эрталаб вафот этибди. Бу-ку ҳаётда ураб турадиган қайғу, аммо бечоранинг ногирон эри энг қаттаси ҳали мактабни битирмаган етти фарзанди билан қолибди.

Бу опага жуда қаттиқ таъсир қилган бўлиши керак. Чунки орадан кўп ўтмай, у ўз умрини ана шу етимлар-

ни тарбиялашга сарф этишга қарор қилган ва бева қолган кишига турмушга чиққан. У доцент сифатида яхшигина маш олар, умрини ҳам, топган-тутганини ҳам қарамли Оллоҳ бир йўла ато этган етти фарзандга сарфлар эди...

Биринчи ўзбек астроном-аёли Ҳафиза Шокированинг илмдаги жасорати балки қайси бир шаклда такрорланар, аммо ҳаётдаги жасорати абадул-абад беназир бўлиб қолса керак.

Наима Муҳиддинова

Опа университетнинг биринчи курсида бизга тахлилий хандасадан сабоқ берган. Дарслар бошланди, аммо бир ҳафта ўтиб, пахта теримига жўнадик. «Кўкорол» совхозининг қуруқ кунлари чанг, ёмғир ёрса лой кўчали марказидаги кинотеатрга жойлаштиришди. Ўн сўм-ун сўмдан йиғишди-да, шаҳарга тушиб граммофон билан бир кўтарим грампластинка олиб келишди. Шу кунданок кечки овқат дастурхони ҳали йиғиштирилиб улгурмай, русча оҳанлар остида тансавозлик бошланиб кетди.

Қизларнинг қўлидан ҳам ушламаган, ҳатто ёнма-ён юришга ҳам ийманадиган биз қишлоқлар учун бу жуда эриш туолган. Орамиздан уларнинг даврасига тезда киришиб кетганлар кўп бўлди. Виллят олимпиадасида ёнма-ён ўтириб танишиб қолган дўстим Тожимамаат — у ҳам менга ўхшаб замонавий тамаддундан анча четдаги қишлоқдан келган эди — тансавозларни ёмон кўрар, бирортаси «Сенлар ҳам тушмайсанми» деб қолса, сўкини ёқалашғудай бўларди. Ора-чира «Ўлсарани акаси тўғри сўйган» деб ҳам кўярди.

Тансавозликнинг иккинчи куну у менга ўқитди: — Ошна, булар шаҳарлардаги олдинги мактабларда ўқган, билими ҳам жа зўр бўлиши керак. Пахтадан қайтган, сену мен уларнинг олдида шарманда бўлмайлик, тагин. Йиқилсак, қайси юз билан уйга қайтамиз?

— Нима қилмоқ керак дейсан? — сўрадим ниятини илгамай.

— Чернишевский бўлиб кет-э, — кесатди у. — Ўқишга келганмисан? Ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш-да, — деди киноямоқ жавобан. У ўзи билан ҳар эҳтимолга қарши дея «Цубербиллер» (тахлилий хандасадан масалалар тўпламининг шартли номи) китобини олволган экан. Бу фан математик тахлил ва олий алгебрага нисбатан мактабда ўтилган алгебра, геометрияга яқинроқ эди. Балки сабаби бошқадир — тахлилий хандасадан дарсга кира бошлаган муаллимимиз Наима Муҳиддинова ёшгина аёл бўлишига қарамай, қолган икки фан мударрисларига нисбатан вахоҳатлироқ кўринган эди. Хуллас, Тожимамаат билан мук тушиб «Цубербиллер» масалаларини чақа бошладик. Бу орада дўстимни ҳарбий хизматга олиб кетишиб, унинг ташаббуси бир ўзимга қолди.

Ноябрнинг охирларида пахтадан қайтдик.

Машқ дарсларининг бирида доскага чиққан талаба масалани ҳеч охирига етказолмади. Опа бир «бундай қилиб кўрин», бир «ундай қилиб кўрайлик-чи» дея қарашса ҳам, уринишлар натижа бермади. «Қани, ким давом эттиради?» — деди у гуруҳга юзланиб.

Мен хонанинг бир бурчағида, у масалани «аллақачон ишлаб бўлганман» дея, бошқа юмуш билан бандман. Шунда бошимни кўтариб, кўзим му-

аллиманинг нигоҳига тушди. «Сизчи?» — деди у совуққина қилиб. — Мен бошқа нарса билан машғулгимни аллақачон билган эди, албатта. «Ишлагандим», дедим чайналиброқ. «Нега миқ этмай ўтирибсиз бўлмаса? Чикинг!», деди қатъий оҳангда. Доскага яқинлашдим. «Давом эттиринг!».

Доска ёзувга тўлган, ҳисоб-китобларнинг на бошини, на охирини топиб бўлар эди.

— Бошқа йўл билан ишлаган эдим, — дейишга мажбур бўлдим.

— Шунанга денг? — деди Опа менга тикилиб. — Ишланг ўша йўл билан!

Доскани ўчириб, ечимни ёздим. «Яхши, ўтиринг» — деди у яна ҳам кескинроқ. Аммо жойимга етмасдан кўнироқ жиринглаб қолди.

Танаффус пайти яқинроқ курсдошларим менга дашном беришди:

— Нима қилиб қўйдинг?!

— Нима қилибман?

— Мана бу гўлни қаранлар. Яна нима қилдим, дейди-я. Опани роса мулзам қилдинг-ку. Тамом, имтиҳон туғул, зачётдан ҳам ўтиб бўлсан энди.

Бу гапдан юрагим шув этди. «Тахлилий хандаса» деса, томиларим увушадиган бўлиб қолди.

Ҳаш-паш дегунча имтиҳон сессияси бошланди. Опа ҳам маъруза, ҳам амалиёт дарсини олиб боргани учун талабалар тилида «зачёт» деган синови имтиҳонга қўшиб оладиган бўлибди. Курсдошларим бирин-кетин кириб, билимига яраша баҳосини олиб чиқа бошлади. Улар орасида йиғлаб чиқаётганлар ҳам оз эмасди.

Мен анча маҳалгача имтиҳон бўлаётган хонага киришга юрагим дов бермай, йўлақда у ёқ-бу ёққа «сайр» қилдим. Бу орада имтиҳон ҳам охираб қолди. «Бор-э, нима бўлса бўлар» деган таваккал билан эшикни очиб, сўлжайганча саволлар териб қўйилган столга яқинлашдим. Ичимда «ишқилиб, осонроқ савол тушин-да», деган ҳавотир.

— Ҳа, қайқада юрибсиз? — дедим опа совуққина қилиб.

— Тамом! — ўзимга ўзим ҳукм чиқардим ичимда.

— Қани зачёткангиз? — опанинг овози яна жаранглади.

Синов дафтарчасини узатаману, ҳаёлимда «ҳозир «неуд» ёпиштиради», деган фикр гир айланади. Опа эса зачётканинг тегишли варағини очиб, аввал синов саҳифасини тўлдирди. Кўзим тиниб бошим айланётган бўлса керак, нима ёзганини кўрмадим. Кейин имтиҳон томонига катта ҳарфлар билан «отл» деб ёздиди, шарт имзо чекиб қўлимга тутқазди: «Боринг!».

Йўлакка қандай чиққанимни билмаман.

Тошкент зилзиласи бўлган 1966 йили ТошДўнинг бир гуруҳ талабаси ўқишни давом эттириш учун МДУга сафарбар этилдик. Ўша йили опа ҳам кизчасини ўзи билан олиб, диссертация ёзгани борди. У доим бизнинг ўқишимиз билан қизикар, ойда бир «согингандирсизлар», дей мошқўрда ё мошқичири билан сийларди. Мабодо, бирортамиз бежо қадам босганимизни сезиб қолса, аямасдан уришиб берав, «Берилган имкониятдан фойдалансанглар-чи. Юрта яхши мутахассис бўлиб, ёруғ юз билан боришни ўйланг» деб тергашдан чарчамасди.

Кейинчиликда опа билан бирга ишладик. Минг афсуски, умри қисқа экан, қизи билан бир кунда фожеали равишда вафот этди. Ҳар сафар «Аллоҳуммағфирли ва-ли воллидий ва-ли устозий!» дуосини ўқисам ё эшитсам, Наима Муҳиддинованинг «Боринг!» дегандаги сиймоси кўз олдимда гавдаланади...

2017-yil 8-mart, № 19 (8980)

— Чиройли қилиб ўр! Агар ўтган сафаргидай бир жойлари гуррага ўхшаб шишиб қолса, анови кўйлагимни кийишга бошқа бермайман!

Опа уй вазифини бажаришга шайланаётган синглисининг олдида борди-да, сочини бир ўрим қилиб ўриб қўйишни буюрди. Сингил энди уйғонаётган иштиёқни бузгани учун ош устига қутилмаганда меҳмон келгандай нохушланиб,

келиб сочимга тегиб кетадими?! Менга қара-чи, — опа талвасага тушган кўйи давом этди. — Йўқ, алдаяпсан. Алдаяпсан, а?! Ҳазиллашапсан мен билан. Қани, қўлимга ўша толани тутқаз-чи, бўл тез!

Сингил опасининг важаҳатидан бироз шошиб қолди-да, қўлига “айбдор”ни тутиб берди. Опа бармоқлари орасидаги “айбдор”ни сиқувга олдию кўзгуга қараб югурди. Кўзини у ёққа, бошини бу ёққа қийшай-


гапни кўнглингга олаверсанг, қандай яшайсан бу ҳаётда?

Онанинг жон куйдириб айтаётган бу овутишлари учкунни аланга олдирган “пуф-пуф”дай бўлди. Сабоби, Опа ана шу оқариш эвазига синглиси билан минг маротаба уришиб, минг маротаба кечирим сўрашга тайёр эканини ҳаёлига келтирдию, йиғиси авжига минди. Она бу олдингиларига ўхшамаган ҳолат эканини дарров пайқади, бошқа гапирмади. Сўнг

деди. Сингил кутиб тургандай соч толаларини оҳиста пайпаслаб, гўё Она ҳақама, у гувоҳ бўлиб, “айбдор”ни топиб кўрсатди. Она кулгиси шода-шода бўлиб гиламга тўкилди.

— Ҳали ҳам болалигинг қолмаган-эй, қизим! Шу оқарган ярим толанг учун ўзингни минг бўлакка бўлиб йиғлаясанми?

Йиғи босими аста-секин пасая бошлади ва ўрнини ҳиқиллашга бўшатиб берди. Она майин оҳангда давом этди:



Izhor

рак. Бу хосиятли белги, қизим. Ҳаммада ҳам бўлавермайди. Ёшлигида кимнинг сочида сеникидай оқарган соч бўлса, бу ўша инсоннинг хос фариштаси ҳисобланар экан. Қайтанга, хурсанд бўлишинг керак. Қани, бошингни кўтар, ўзимнинг солдагинам-эй!

Йиғи бу сафар орқасига қайтиб кетди.

Кафтида олов тутган одамдай, бармоқлари учигача қайноқ меҳр уфуриб турган Она қизларини бирварақайига бағрига босди, пешонасидан меҳр билан ўпди:

— Қани, бўлди, тура қолинглар. Ҳали ўқилмаган қанча китоблар жавонда сизларни кутиб ётибди.

Опа бошидаги оқ фаришта эканини ўйларкан, юрагида тўлиб қолган тошлар бирин-кетин тўкилиб тушгандай енгил тортиди. Сўнг умр бўйи суяшга тайёр турган елканлардан бошини кўтарар экан, нигоҳи онасининг оқарган сочлари билан тўқнашди. Гўё кимдир муздай сувни устидан қўйиб юборди. Бу сувнинг заҳи юраккача бориб етди. Унинг нигоҳи қайтиб чиқишни ҳаёлига ҳам келтирмай, онасининг сочлари орасида қолди. Қарахтлик опани бир муддат оғушига ўради. Бу фурсатда Она овқатдан хабар олгани ошхонага йўл олди. Сингил ҳам қолиб кетаётган дарсларига ошиқди.

Опа ўтирган жойида узоқ ўйлади. Уни энди ўзининг эмас, балки онасининг бошидаги “фаришталар” бу ҳолга солганди. У ўзини бу “фаришталар”га илк бор дуч келгандек ҳис қиларди. Кўзларини шунча вақтдан бери шамғалат қилиб келаётган кунлардан, ойлардан, йиллардан аччиғи чиқди. Кўзидан, ўзидан ғазабланди: “Наҳотки, заррача пайқаман бўлсам. Мен... мен шу бор-йўғи ярим тола сочим оқарганига дунёнинг дийдиёсини қилдим, ҳаётдаги барча фожеалар йиғилиб бошимга келгандек ҳис этдим ўзимни. Аммо онам... онажоним...”

Кўзларидан дув-дув тўкилаётган ёшларини енглари билан арта-арта қиз энди Онасини бағрига қаттиқ босиб истагида ошхона томон равона бўлди...

«Ғарипимани бор»

тирганча асов нигоҳини бир нуқтага жамлади. Турган жойига аста чўккалади-да, ҳунграганча йиғлаб юборди. Унинг назарида бироздан сўнг барча сочлари оқариб кетадию, оғзида қолган бир-икки тишини кўрсатиб иржайганча, юзларидан ажин тармоқлаб кетган Кексалик қўлидан судраб олиб кетади гўё.

Йиғи овозига ошхонадан онаси югуриб чиқди. — Ҳар доимгидай айтишиб қолдиларингми? Опанга яна нима дединг? Қани, қизим, опангдан тез кечирим сўра-чи! Сен ҳам ёш эмассан, йиғини тўхта! Сендан кичкина, ўйламай гапиргандир-да. Ҳар

кичик қизига савол аломати билан юзланди.

— Ҳалиги... арзимаган нараса. Боя сочини ўрмоқчи бўлганимда бир толаси мунчагина оқарган экан, шунга аза очиб ўтирибди. Ахир, опа, сиздан ҳам ёш-ёш қизларда, ўғил болаларда, масалан, менинг курсдошларимнинг айримларида ҳам оқарган соч кўриниб ётади. Парвойига келтиришмайди-ку?

Бу гап “Атиги ярим толага шунчами, ҳали буни ниси ҳолва” дегандек туюлиб, хўрлиги келди, энди ўқиб-ўқиб йиғлашга тушди опа. Она оҳангда хавотир сингган ним-табассум билан:

— Қани кўрсат-чи! —

Мукаммал иншо


Орамизда иншо ёзмаган киши деярли учрамаса керак. *Иншо — ижодий меҳнат. Иншо мазмунига ҳамоҳанг эпиграф танлаш эса муаллиф маҳоратидан дарак. Ахир у иншонинг бутун мазмунини ўзида жамлайди-да. Бордию, ҳаётимизни иншога қиёсласак, унинг эпиграфи ким ёки нима бўлади? Шубҳасиз, Аёл!*

Аёл — бору йўғимиз, бошу охиримиз. Умримиз маъноси, мазмуни. Унинг билан олам мунаввар, кўнгилар нурафшон. Ривоятлардан бирида келтирилишича, Қодир Мутлақ мукаммал дунё яратишга аҳд қилибди. Шу мақсадда тундан кунни ажратиб, сув, ер, ўсимлик ва жониворларни, охирида эса эркакни яратибди. Кейин қарасаки, яратганлар янада мукаммал бўлиши учун недир етишмаётгандай туюлибди. Бахтга қарши, лой ҳам тугаб қолганмиш. Шунда у аёл жамолини — ойдан, қошу кўзини — тундан, сочини — мажнунтолдан, нафислик ва хуркакликни — кийикдан, мусаффоликни — тонгдан, меҳнатсеваарликни — асаларидан; айтганлари куй, хониш бўлсин, деб навони булбулдан — хуллас, табиатнинг жамики гўзаллигидан бир чимдим-бир чимдим оlib, Аёлни яратибди.

Аёлга разм солинг, бу ривоятда тилга олинганларнинг барчаси унда мужассам. Аммо ҳеч бир таъриф ё тавсиф унинг ўзидек мукаммал эмас. Аёл — ҳаётнинг ана шундай мукаммал иншоци!

Сардор МУСТАФОВ

Биби Робиъа САИДОВА



тароқни эринибгина йиғи олдидан тарай бошлади.

— Вой-бў-ў, яхшиям битта кўйлак экан-эй. Ким айтди сизга, уйқусираб турганимда ўрдириг деб. Айб ўзингизда.

Сингилнинг юзига сергаклик югургандай бўлди. Опасининг сочлари билан боягидан бошқача “муомала” қила бошлади. Сочни текислаб, тенг учга ажратди. Қитиғлай-қитиғлай ўришни бошлар экан, тўсатдан бармоқлари ҳаракати сустрлашди. Ихтиёридаги бошнинг энса қисмидаги сочларни муддат пайпаслади-да, кулимсираганча:

— Опа! Йўғ-е, энди опоқи десамми, қизик, мана бу толангиз тенг ярмигача оқарибди, олдин кўзим тушмаган экан, — деди.

Опа қутилмаганда тарсаки еган одамдай ўрнидан сапчиб кетди:

— Нималар деяпсан? Яна уйқусираяпсанми, дейман, — йиғи опанинг бўғзига қараб югурди. — Яхшилаб қара, деворнинг оқ-поқи тегиб кетгандир.

Сингил опанинг ногаҳон йиғламсираганидан хавотирланиб, чап қўлоқ юқорисидаги сочларни енгилгина уриб кўрди:

— Опа, кетмаепти... Лекин арзимаган нараса-ку, нега сиқиласиз? Ҳая, тондим, балки бўёқдир. Уқишдан қайтаётганингизда бирор жойда янги бўялган деворнинг оҳаги тегиб кетган бўлиши мумкин.

Кўзларидан беихтиёр ёш дончалари думалаб тушаётган опа энди синглисига ўшқира кетди:

— Эсинг жойидами, девордаги ўша оҳак келиб-



Матонат ва сабр ТИМСОЛИ



Тарихга мурожаат этсак, исталган даврда эркаклар билан тенгма-тенг ижод қилган, оилавий ташвишлардан ортиб, илмий изланишлар олиб боришга журъат топган нозик ҳил-қат вакиллари учратамиз. Чаманзор ўз ифори билан ҳам гўзалликка ошуфта қалбларни мафтун этгани каби илм осмонида оз бўлса-да, бироқ Зухро каби ёрқин юлдузлар — олимпиа фозилалар ҳам бор.

Улар ҳақида сўз борганда, ҳаҳон микёсида даставвал сабр ратонат тимсолига айланган аёллардан бири Мария Складовская-Кьюри (1867—1934 йй.) эсланади. Утган асрнинг бошларида Польшадан Америкага келиб қолган муҳожир аёл эри Пьер Кьюри билан радий, полоний ва уран сингари радиоактив унсурлар тадқиқи устида жиддий изланади. Шу пайтга қадар бирорта одам бу элементлар инсон ҳаёти учун қанчалар зарар эканини, масалан, у лейкемия хасталигини ривожлантиришини тасаввур ҳам қилишолмасди. Ҳатто ҳавфа хатар борлигини билса-да, Мария бошлаб кўйган ишидан қайтмайди...

Мария илм-фанда қилган изланишлари учун икки марта — 1903 йилда физика җўналишида (эри билан) ҳамда 1911 йилда кимё бўйича халқаро Нобель мукофотига сазовор бўлган. Радий ва полоний унсурлари кашфиёти унинг номи билан боғланади, ҳатто радиоактивлик ўрганиладиган Радий институти ҳам очилган. Гул изидан гул ўсар, деганларидек Мария Кьюрининг илмий фаолиятини кизи Ирэн давом эттирди ҳамда физика ривожига кўшган хиссаси учун унга ҳам Нобель мукофоти берилди.

Олималардан яна бири — биофизик Розалинд Франклин (1920—1958 йй.). Бор-йўғи 38 йил умр кўрган англиялик бу аёл ДНКни кашф этишга улгурди. Бироқ узок йиллар мобайнида масъума номи сояда қолиб кетди. Аксинча, барча муваффақиятлар унинг ҳамкасблари Жеймс Уотсон ва Фрэнсис Крик номи билан боғланди. Унинг лаборатория хонаси кўздан кечирилганда, ДНКнинг эгри-бугри тузилишига эга бўлган рентген тасвирини топишга муваффақ бўлинган. Франклин ушбу илмий изланишни мантиқан якунига етказишга ҳам улгурган. 1962 йилда турмуш ўртоғига Нобель мукофоти тақдим этилди. Афсуски, бу воқеадан 4 йил олдин Роза саратондан вафот этганди.

Навбатдаги машҳур аёл эса аксинча узок умр кўрган Лиз Мейтнер (1878—1968 йй.)дир. Вена шаҳрида туғилган ушбу физик 1926 йилда Германияда хотин-қизлар орасида биринчи бўлиб профессор унвонига сазовор бўлди. Лизга мазкур нуфузли илмий эътирофни Берлин университети тақдим этганди. 1930 йиллардан бошлаб

Л.Мейтнер трансур унсурлар устида илмий изланишлар олиб борди. 1939 йилда атом ядросининг парчаланишини тадқиқ этди ҳамда орадан 6 йил ўтар-ўтмас Японияда бу ўз инъикосини топди.

Мейтнер ҳамкасби Отто Ган билан биргаликда тадқиқот ўтказиб, катта ҳажмдаги энергия ажралиши билан ядро парчаланиши боғлиқлигини исботлади. Бироқ тажриба ҳосилалари 1940-йилларда Германияда юзага келган мураккаб сиёсий-ижтимоий ҳолат туфайли маромига етмай қолди. Илм-фанга бутун борлигини бағишлаган Мейтнер дунёни эгаллаш, қайта тақсимлаб олишдек жирикч истак билан ёнаётган ваҳшийлар исканжасида қолган мамлакатдан Стокгольм шаҳрига кетишга мажбур бўлди. Бунга кўмаклашган Америка томонидан унга янги қирол ишлаб чиқаришда иштирок этиш таклиф этилди. Бироқ Лиз буни рад этди. 1944 йилда ушбу раддияси учун у «жазоланди», яъни Отто Ган ядро парчаланишини ихтиро қилгани учун Нобелга лойиқ кўрилди. Лекин машҳур Менделеев даврий жадалдаги 109-унсур унинг шарафига номланиб, исми ва илмий мероси абадийлаштирилди.

1962 йилда ўз ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида «Жимжит баҳор» китобини ёзган Рейчел Карсон (1907—1964 йй.) пестицидларнинг инсон саломатлигига ва уни ўраб турган муҳитга салбий таъсир кўрсатишини асослаб берди. Ушбу китоб инсоният учун илк бор дунё экологиясининг манзарасини чизиб берди ва унинг қанчалар ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини асқалантирди. Зоолог ва биологлар ушбу сўзга чечан аёлнинг бундай қутилмаган «портлаш»идан лол қолишди.

Аслида ҳаммаси 1940-йиллар бошида юз берганди. Яъни Р.Карсон бир қатор олимлар билан бирга ҳукуматнинг зараркундаларга қарши курашишда кимёвий унсурлар ҳамда кучли захарлардан фойдаланишга йўл қўяётганидан қаттиқ хавотирда эканини билдирганди. Шу маънода, у агар вазиет ўзгармаса, келгуси баҳорлардан бири қушларнинг майин сайроғисиз, яъни жимжит ўтишидан кўриқиб, ўз китобини «Жимжит баҳор» дея номлади. Китоб чоп этилган, қисқа муддатда миллионлаб одамлар орасида қўлма-қўл бўлди, бестселлерга айланди. Китобни тақиқлашга уринган

кимё компанияларининг уринишлари самара бермади. Афсуски, кўп ўтмай, Р.Карсон саратонга чалиниб, вафот этди.

Цитология (ҳужайраларнинг тузилиши, ривожланиши ва функцияларини ўрганадиган фан) ҳамда генетикани бирлаштириб, жўхори тадқиқоти устида эътиборга молик изланишлар олиб борган олимпиа Барбара Мак-Клинтон (1902—1992 йй.) ҳам 90 йил умр кўрган.

У ўз уринишлари орқали генлар турли хромосомалар ичида ўзгариши мумкинлигини, яъни генетик ландшафт барқарор эмаслигини асослаб берди. Унинг аёл боши билан чўчимай, келажакка собит ишонч билан 1940—1950-йилларда сарқовчи генлар ва генетик регуляция устида олиб борган илмий изланишлари натижаларига ҳеч ким ишонмаган. Узок вақт давомида илм дунёси Мак-Клинтон изланишларига жиддий эътибор қаратмади. Фақатгина 1983 йилга келиб, Барбара юзага чиқди ва унга Нобель мукофоти берилди. Мак-Клинтон бактериялар антибиотикларга чидамли эканини, уларнинг келиб чиқиш эволюцияси қандайдир «майда қадам»лар эмас, «сакраш»лар билан боғлиқлигини тушунтириб берди.

Машҳур инглиз шоири Байроннинг қизи Ада Ловлейс (Байрон) (1815—1852 йй.) кўп яшамаган, лекин унинг ҳаётий гоёлари фанда мангу қолса, ажаб эмас. Боиси у компьютер яратувчиларидан бири сифатида тилга олинади.

Қизик томони шуки, машҳур шоир отаси бир четда қолиб, Адага аниқ фанларга қизиқиш онасидан мерос бўлиб ўтган экан. Унинг навдарионлик палларарида Кембриж университети профессори Чарльз Бэббиж билан танишиб қолиши олимпиа бўлиш хусусидаги орузини янада алангалатади. Чарльз ўша кезларда шахсий ҳисоблаш машинаси устида иш олиб бораётганди. Бироқ унинг харажатларга ҳамёни «бушлик» қилаётганди. Илм-фанга иштиёқи балинд Ада эса лорд Ловлейснинг рафиқаси эди.

Чарльзга молиявий жиҳатдан кўмак бериш билан биргаликда, Ада Бэббиж машинасини ўрганиди, тавсифлади, хусусан, алгоритмларни Бернулли саногига ҳисоблади. Бу — улкан калькулятор гоёси эди. У Бэббиж машинасида амалга оширилган биринчи дастур эди. Гарчи Ада умри мобайнида бирорта ЭҲМ йигмаган бўлса-да, илк дастурчи сифатида тарихда қолди.

Бугун минглаб хотин-қизларнинг тиббиёт соҳасида ўқиши, изланиши, фаолият олиб бориши учун кенг имкониятлар бор. Бироқ XIX аср ўрталарида аёлларнинг мазкур соҳада таълим олиши учун сабаблар керак эди, акс ҳолда тиббиёт эшиклари улар учун ёпиларди. Америкалик Элизабет Блэквэлл (1821—1910 йй.) турли тақиқларга қарши чиқиб, тиббий билим олишга қарор қилади. Таби-

ийки, жамият унга кескин қаршилик кўрсатади, коллежда ҳам бошига кўп мусибат тушади. 1849 йилда Элизабет илмий даража олиб, Америка тарихида хотин-қизлар орасида биринчи доктор даражасига сазовор бўлади.

Лекин унинг ишлаши, аниқроғи, ишга жойлашиши жуда қийин кечган. Қайга иш сўраб бормасин, эшиклар унинг учун ёпиқ, шифохона масъуллари аёл врач билан ишлашни истамасди. Охири, Э.Блэквэлл Нью-Йоркда ўзининг шахсий қабулхонасини йўлга қўйди. 1874 йилда у София Жекс-Блейк билан бирга Лондон шаҳрида аёллар учун ҳатто тиббиёт мактаби очди. Бироқ кейинчалик Блэквэлл тиббиёт соҳасидан узоқлашиб, санитария, режалаштирилган оила, хотин-қизлар ҳуқуқлари каби масалаларда сиёсий-ижтимоий фаолият юритди.

Аёлларнинг кўнгилчанлиги, бироз ҳаёлпарастлиги ҳатто илм-фанда ҳам ўз аксини топаркан. Жейн Гудолл (1934 йилда туғилган)нинг илмий изланишлари бунга мисол. У ҳайвонот олами, жумладан, приматлар билан инсон ўртасида узвийлик борлигини, одам табиатининг олий мавжудоти экани ҳақидаги гоёни яна бир қарра оламга овоза қилди.

Приматолог ва антрополог Жейн Гудолл саъй-ҳаракатлари боис инсон ва шимпанзе эволюциясида умумий илдиэллар борлиги аниқланди. Олима катта қийинчилик эвазига маймунлар тўдаси билан махсус мосламалар ёрдамида мулоқотга киришди. Ж.Гудолл приматлар ҳам худди одамлар каби кенг диапозондаги ҳис-туйғуларни бошидан ўтказишини аниқлади. Умрининг 45 йиллини Танзаниядаги Миллий паркта шимпанзеларнинг ижтимоий ҳаётини ўрганиш ва тадқиқ этишга бағишлаган Жейн инсон ва табиат ўртасидаги нозик ришталарни бағрикенглик билан ўрганиш лозимлигини уқтирган илк аёл бўлди.

Ҳа, аёллар орасида ўз илмий фаолияти билан донг таратганлар рўйхатини узок давом эттириш мумкин. Масалан, 1847 йилда машҳур астроном Мария Митчелл (1818—1889 йй.) телескоп ёрдамида фазони кузатаётиб, фанга номаълум думли юлдуз (комета)ни аниқлайди ва у Мария шарафига номланади. 1848 йилда аёллар орасида биринчи бўлиб Америка санъат ва илм-фан академияси аъзоси бўлди. Венеранинг жойлашуви жадалини тузиш билан шугулланди. 1865 йилда «профессор астроном» даражасига эришди.

Аждодлари шарқлик бўлган Ву Цзяньсюн ва «Ву тажрибаси» ўз пайтида илм оламига ларзага келтирган. 1956 йилда икки физик — Ли Чжэндао ва Янг Чжэньнин — унга к у ч с и з ўзаро таъ-

сир вақтида фазовий аниқлик сақланиши қонунини рад этишга доир тажриба ўтказишни маслаҳат беради. Ву буни омадлик тарзда якунлади. Гарчи Ли ва Янг 1957 йилда Нобель мукофоти олганида, Вуни бир оғиз эсламасанда, у кейинчалик Америка физиклар жамиятининг биринчи аёл президенти бўлди.

Шунингдек, астроном Генриетта Ливитт, техник Ида Ноддак, астрофизик Сесилия Пейн, Вера Рубин каби олимпиа ҳам ўз вақтида юзага чиқмаган. Нетти Стивенс ҳам X ҳамда Y хромосомаларни кашф этган Томас Морган билан елкама-елка ишлаган, ҳатто ушбу ишнинг «калити» дея баҳоланган — аёлларда X-хромосомалар икки барабар кўп бўлишини аниқлаган бўлса-да, Нетти номи мукофотлар берилётганда ҳам, олинаётганда ҳам эсланмаган. Ёки Жоселин Белл Бернелли оилалик. У 1967 йи-

да астрономик объектларнинг тоифаси — пульсарлар (дарвий радионурланлишлар тақриб туривчи космик объект)ни кашф этди. Аммо негадир 1974 йилда у бир четда қолиб, Нобель мукофоти Энтони Хьюиш ва доктор Мартин Райлга бериб юборилган. Бундай ҳолат бактериолог Эстер Ледерберг билан ҳам ўз берган.

XXI асрда аёллар ва эркаклар орасидаги ижтимоий фарқ аста-секин йўқолиб бормоқда. Аёллар илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмаган соҳаларда ишлаб, ҳатто муваффақиятга эришмоқда. Жонахон Ўзбекистонимизда хотин-қизлар ўзгача қадрланади, ардоқланади. Улар жамиятнинг муҳим бўғинлари жумладан, сиёсат, иқтисодиёт, тиббиёт, илм-фан, санъат, адабиёт ва спорт соҳаларида муваффақиятли фаолият юритиб, мамлакатимизнинг янада юксалишига, халққаро майдондаги обрў-эътибори ошишига, халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай яшашига катта хисса қўшмоқда. Ўзбек хотин-қизлари Тумарису Барчиной, Равшанагу Бибихоним, Нодирау Увайсий, Зулфияхонимнинг авлоди эканидан кексиз фахру гуруру туяди. Уларга муносиб давомчи бўлиб, элу юрт равоқчи, камолига муносиб улш қўшиш, яратиш, яшнатиш, яшариш завқи билан ёниб яшайди.

Зоҳиджон ХОЛОВ тайёрлади.



2017-yil 8-mart, № 19 (8980)

ЭНЕРГИЯ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯ

Канадалик олимлар микросхемалар қувватини атом-куч микрокопи ёрдамида тежаш технологиясини яратгани ҳақида «Nature Communications» нашрида ёзилди. Бу технология компьютерларнинг энергия сарфини 10 минг бараваргача камайтириш имконини беради.



Физиклар

анча олдинроқ атомларни алоҳида бошқаришни ўрганган, хусусан, 1989 йили «IBM» компанияси олимлари кремнийдан иборат сиртда кесоннинг 50 та атомидан I, B ва M ҳарфларини тузиш учун тунел микрокопини қўллаган. Бу муваффақият ўша вақтда яқин орада атом электроникаси асри келишидан дарак берган. Аммо атомларни бу тарзда бошқариш жуда мураккаб кечган. Илмий тадқиқотдан маълум бўлишича, ўзаро ҳаракатдаги алоҳида атомлардан мураккаб ва зич тасвирларни олиш ва кузатишда қийинчиликларга дуч келинган.

Канадалик олимлар эса атом-куч микрокопи оладиган тасвирларни тahlil қилувчи, электронлар ҳаракатини кuzatuvchi ва атомларни етарлича аниқликда бошқаришга имкон берувчи maxsus алгоритм яратди.

Бу алгоритмнинг асосий элементлари maxsus ишчи сирт, яъни водород атомлари билан қопланган кремний варағи ва яқка протонларни бошқаришга соzланган микрокоп игнаси ҳисобланади. Олимлар бу элементлар яхлитлигида кремнийнинг алоҳида атомлари ўртасидаги алоқани электр ўтказувчанлик хусусиятига ўзгартирган.

«Фараз қилинг, одатда, бир суткага етадиган телефон батареясининг қуввати қурилма процессориди кичик сондаги электронлар ишлатилгани сабаб бир ҳафтага етади. Бундай микросхемалардан фойдаланиш усули Брайл шрифтида ишлашга ўхшайди — жуда ингичка игна сиртга олиб келинади ва натижада бутун материяда мавжуд кучларнинг кичик микдордаги муайян қувватига сарфланади», — деди Эдмонтондаги (Канада) Альберта университети илмий ходими Талина Хафф.


Хафф ва ҳамкасбларининг таъкидлашича, улар микроламини кузатиш учун қўлланадиган энг илгор технологиялардан бири — атом-куч микрокопиясини нафақат атомлар, балки улар атрофида айланувчи электронлар ҳаракатини кузатиш мақсадида ҳам қўллаган.

Истиқболда бу усул микросхемаларни «атом-атом» қилиб йиғиш ва жуда кам электр энергия сарфловчи ёки ноодатий хусусиятларга эга квант ҳисоблаш асбобларини яратиш имконини беради.

МУЗОСТИ КЎЛЛАРИ ТОПИЛДИ

Америка, Британия ва Франция олимлари Антарктида қаърида дерали қуриб қолган 4 та кўлни аниқлади. Тадқиқот ҳақидаги мақола «The Cryosphere» журналида эълон қилинди.

Ўзаро бир-бири билан боғланган 4 та кўл қитъа гарбидидаги Амундсен денизи яқинида Туэйтс шельф музлиги остида жойлашган. 2013 йилнинг июнь ойидан 2014 йил январига қадар кўлларнинг суви дунё океанига қўшилган.



«CryoSat-2» сунъий йўлдоши воситасида аниқланган музостии кўлларининг умумий майдони 700 квадрат километри ташкил этади. Улардан дунё океанига қўшилган сув микдори 3,5 куб километр. Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, сув оқимининг энг юқори тезлиги сониясига 240 куб метри ташкил этган. Бу гарбий Антарктидадаги шу каби жараёнлар учун энг юқори натижадир.

Музостии кўлларининг қуриб қолиши ҳар 20—28 йилда қайта содир бўлиб туради. Бу эса, Туэйтс музлигининг океан томон сирпанишини 10 фоизга тезлаштирган. Шу билан дунё океани сатҳининг қисман кўтарилишига сабаб бўлган.

Олимларнинг ҳулосасига кўра, Туэйтс музлиги 200—900 йилдан сўнг океанга тўлиқ қўшилади.

Ҳамкорликдаги хайрли ишлар

Мирзо Улуғбек туманидаги 225-мактабда «Диний экстремизм ва терроризм — жамият тараққиётига таҳдид» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан «Бўз» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Элбек Қодиров, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маънахатчи Мавлуда Эгамбердиева ва «Чуст» жомеъ масжиди имом хатиби Акбарали Мансуров ёш авлод онгида мафзуравий иммунитетни

шакллантириш, уларни ташқи таҳдидлардан асрашда эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар ҳақида гапирдилар.

Ўзбек Миллий академик драма театри санъаткорлари Теша Мўминов, Шохида Исмоилова ва Фатҳулла Маъсудовнинг мавзу юзасидан фикрлари ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

— Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад, энг аввало, оила, маҳалла ва таълим муассасаси ўртасидаги алоқани янада мустаҳкамлашдир, — дейди мактаб раҳбари Гузал Шоисломова. — Ўқувчиларни турли ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг энг самарали йўли уларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этишдир. Мактабимиз ҳудудимиздаги маҳаллалар билан бу борада мустаҳкам алоқа ўрнатиб келмоқда. Ўқувчиларнинг мактабда ва жамоат жойида ўзини намунали тутиши, дарсдан бўш вақтида ўзи қизиққан тўғрақ машғулотига қатнаши, касб-ҳунар ўрганишига катта эътибор қаратилмоқда. Фан ва ижодий тўғарақлар мунтазам ишлаб турибди.


Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.



ПИНГВИН КРИЛСИЗ КЎПАЙМАЙДИ

Биологлар пингвинлар овқатланиш рациони 26 хил денгиз жониворидан иборат эканини аниқлади. Бу борада олиб борилган 22 йиллик илмий тадқиқот натижалари «Marine Biology» журналида эълон қилинди.

«Корреспондент.net» манбасида келтирилишича, тадқиқотчилар гуруҳи Антарктида океанини ўраб турган экотизимни тадқиқ этиш баробарида Бёрд оролида яшайдиган пингвинларни ҳам атрофлича ўрганган. Натижада фан учун муҳим, инсонлар учун эса қизиқарли маълумотлар тўпланди.



Хусусан, пингвинлар 30 га яқин жониворни, жумладан, Антарктида крили, саккизоёқ, кальмар ва балиқларнинг 17 хилини тановул қилади. Энг қизиғи шундаки, пингвинлар дунёга келтирадиган болалари сони улар ҳомиладорлик пайтида истеъмол қилган криллар микдорига боғлиқ экан. Бунга олимлар бир неча йиллик қайта текширишлар натижасида амин бўлишди. Зеро, бу пингвинлар озикланшини ўрганиш билан боғлиқ энг узоқ давом этган тадқиқотлардан биридир.

Тадқиқотчилар криль ва пингвин насли ўртасидаги боғлиқликни назарда тутиб, крилларнинг тўбора камайиб кетаётгани «учмас қушлар» популяциясига салбий таъсир кўрсатишидан хавотирланмоқда.

НОНУШТАНИНГ ФОЙДАЛИ ЖИҲАТЛАРИ

Олимларнинг эрталабки нонушта кун давомида мия фаолияти ва маълумотларни эслаб қолиш қобилияти яхшилланишига ижобий таъсир этишини аниқлади, деб ёзилди «Social Science & Medicine» нашрида.

Ҳар куни бир вақтда нонушта қилишга одатланган кишининг иммунитетини ошади. Иммунитети мустаҳкам киши турли касалликларга чалинмасликдан ташқари, мураккаб руҳий вазиятларда тушқунликка тушмайди. Чунки эрталабки нонушта туфайли инсон организмда энергия захираси кўпайиб, ишлаш лаёқати 30 фоизга ошади. Шунингдек, ишхонада то тушликкача нималардир еб, ишдан чалғишга ҳоҳат қолмайди.



Эрталаб барвақт қорин тўйдириш меъёридан ортиқ калория йиғилишига сабаб бўлмайди. Аксинча, қанча кеч нонушта қилинса, иш фаолияти шунча кеч бошланади ва организм дангасалашади.

Эрталаб нонушта қилмаслик кундан кун организмнинг кучсизланишига олиб келади. Британиялик шифокорларнинг сўзларига кўра, эрталаб нонуштага тўхум истеъмол қилинса, кун давомида камроқ овқат тановул қилинади. Гречка, гуруч ёки сўли ёрмасидан тайёрланадиган бўтқа сингари ёғсиз таомларни ҳам нонушта учун тавсия этиш мумкин.

Нонушта организмни уйқудан тўла уйғотиб, ҳаракатга чоғлайди. Акс ҳолда танада ёғ йиғилиб, унинг салбий оқибати юз ва сочда акс этиши мумкин. Дарвоқе, тонгда майин ва умидбахш мусика тинглаб, нонушта тайёрлаш ва овқатланиш ҳам қўшимча ҳуш қайфият бағишлайди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ тайёрлади.

Республика Таълим маркази раҳбарияти ва жомоаси Методик ишларни мувофиқлаштириш ва педагогик технологиялар бўлими бош методисти Сулаймон Назаровга онаси

Мария НАЗАРОВАнинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Бухоро нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежи жомоаси коллежининг собиқ директори

Замир АДIZOVнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинлирига таъзия билдиради.

Ҳаммамизнинг бурчимиз

Ўзи билан катта ташвиш ва талофат келтирувчи ёнгинлар тасодифан содир бўлмайди. Шу боис иситиш ва электр манбалари, ускуналаридан фойдаланаётган ҳар бир хонадон эгаси албатта эҳтиёт чораларини кўриши лозим. Чунки ҳушёрлик хавфсизликнинг энг оддий ва бирламчи қоидадир.

Назоратсиз қолдирилган дазвол, телевизор, электр анжомлари, газ плиталари оқибатида ҳар дақиқада ёнгин келиб чиқиши мумкин. Бу ишга маъсулиятсиз ёндашган киши охир-оқибат афсус-надомат чекиши турган гап. Зотан, оловнинг қудрати олдида одамзод ҳар доим оҳиж қолади.

Азиз юртдошлар! Ёнгинга қарши кураш, унинг олдини олиш, ва албатта, хавфсизлик қоидаларига риоя этишни унутманг. Зеро, маҳаллалар, аҳоли тураржойлари ва халқ ҳўжалиги объектларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Ф.РАҲМОНКУЛОВ, Сергели ТИИБ ЁХБ инспектори, сержант, А.СУЛАЙМОНОВ,

14-ХҲХ алоҳида пости инспектори, сержант

Ҳам зийнат, ҳам саломатлик омили

"Токи дунёда битта аёл бор экан, заргарга иш топилари". Чиндан ҳам аёл зоти тақинчоққа ўч. Опа-сингилларимиз қўли, қўлоғи ва бўйнига турли зеб-зийнатлар тақиб юришни хуш кўришади. Тақинчоқлар қимматбаҳо металлдан ясалганлиги, турли тошлар билан безатилгани ён-атрофдагилар диққат-эътиборини тортади.

Қадим-қадимдан тақинчоқларнинг қадрини баланд бўлган. Аёллар турли шаклдаги тошлардан тақинчоқ ўрнида фойдаланиб, уларни "бало-қазодо асровчи" тумор деб билганлар. Масалан, Африканинг кўҳна қабилаларида мисдан ясалган тақинчоқ бойлик келтиради, деб ҳисобланган. Афиналик заргарлар эса қимматбаҳо тошга қуш, капалак, кўнғиз каби жонзотлар суратини туширган ҳақида маълумотлар бора. Бора-бора бу тақинчоқлар гўзаллик рамизи бўлиб қолмай, бойликни ҳам билдирувчи вოსитага айланган. Кейинчалик сочга тақилган аёллар тўғноғичига заргарлар томонидан санъат асаридаражасида зеб берилган. Улар олтин ва кумушдан бўлиб, ҳайвон тасвири туши-

риларди. Нафис дид билан ясалган тақинчоқ аёлни янада кўркамлаштирган.

Қадимги Ҳиндистонда эса бой хонадон эгаларининг бош кийимларига қимматбаҳо тош тақиб урф бўлган. Тўғноғич, мунчок, дур, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тош, тилла ва кумуш безаклар билан кийимга кўрк берган хинд халқининг бу анъанаси ҳозиргача бардавом.

Тарихнавис Владимир Черванский "Амир Темури" тарихий романида куйидагиларни ёзган: "Байрамларнинг бекаси Бибихоним бўларди. Элчилар шарафига уюштирилган байрамларда у энг гўзал либослару, кўзни қамаштирувчи тақинчоқларни тақиб чиқар эди. Унинг қизил шойидан тикилган либосларининг орқа этаги ўн беш қанча кўтариб юришга мўлжалланганди, бошидаги қалпоғида эса марварид ва

ферузалар қадалган, олд қисмида қимматбаҳо ёқутлар ярқиради. Унга олтин иплар кўшиб ўралган пат зеб берарди". Бу парчадан кўриниб турибдики, тақинчоқлар нафақат гўзаллик, балки инсоннинг мавқеини ҳам белгилайдиган вოსита бўлиб хизмат қилган экан. Бинобарин, Шарқ аёлларининг қадимда пешонага тиллақош, баргак, қулоққа зирак, бошга тагдўзи, кўкрагига зебигардон, со-



Bilasizmi?

чига сочпопук, гажак, бурнига арабак, бўйнига бўйинтумор, белга камар, билакка биллакузук, бармоқларга узук тақиб юришгани кўҳна қадрият.

Инсонни ёмон кўзалардан, ёвуз рухлардан, касалликлардан сақлашда зеб-зийнат муҳим роль ўйнаши ҳақидаги тахминлар бора. Олимларнинг айтишича, кумуш, мис, олтин инсонни кўпга касалликлардан сақлайди. Масалан, кумуш танга организмни турли микроблардан ҳимоя қилиб, асаб тизимини зўриқтирдан сақлайди. Кумуш узук номсиз

бармоққа тақиб юрилса, қон босимини пасайтиради. Бу турдаги тақинчоқ тақилган жой қорайса, шифокорга учраш керак. Мисдан ясалган зеб-зийнат буюмлари тана ҳароратини тушириб, моддалар алмашинувини ва қон айланишини меъёрлаштиради.

Тақинчоққа кўрк бағишловчи қимматбаҳо тошлар ҳақида нималарни биласиз?

Феруза — зангори тош. Меъда, кўз касаллиги ва илон чаққанда фойдали.

Сафсар (маржон) дан тўғноғич ва балдоқ ясалди. Сепкил ва ажинлардан асрайди, зехни равшан қилади.

Марварид — иммунитетни мустаҳкамлайди, тушкунлик ва изтиробни ҳайдайди. Кўриш қобилиятини оширади, оғиздаги бадбўй ҳидни йўқотди. Жигар, буйрақдаги тошларни майдалайди.

Дур (инжу) — танадаги тузаларни эрилтади.

Ақик (агат) — кўриш қобилиятини кучайтиради, чаён ва газандалар чақишидан ҳимоя қилади.

Зумрад — уйқуни хотирга қилади ва севгидаги маккорликнинг олдини олади.

Олмос — жасурлик, мардлик ато этади. Аёлларга кўз ёриш пайтида ёрдам беради ва турли заҳарлар кучини қирқади.

Ёқут — бош оғригини қолдиради.

Зангори ёки кўкиш ёқут (сапфир) хиёнаткорлик ва хоинликдан асрайди, танага куч ато этади.

Сердоникс — қимматбаҳо тарғил тош. Хиёнаткорлик ва алданиб қолишдан сақлайди.

Сердолик — бу тошни тақиб юрган аёлни ёвуз рухлар безовта қилмайди, сеҳржоду кучини қирқади, юраги хасталарга осойишталик бахш этади.

Қахрабо (мунчок) — ёмон кўздан асрайди.

Бугун — мунис оналар, севикли опа-сингиларимизга энг эзгу тилаклар билдирадиган баҳор байрами. Шу муносабат билан онангиз, синглингиз, умр йўлдошингизга тақинчоқ совға қилишни жалаштириб турган бўлсиз, уларнинг қизиқишлари, соғлигини ҳисобга олишни унутманг.

Асолат АХМАДУЛОВА
тайёрлади.

Намунали методист

Истарали, юздан кур ёғилиб турган инсонларга нисбатан "Фаришталар" таърифини ишлатамиз. Халқ таълими аълоҳиси, фидойи педагог Фотимахон Толипова ҳам шундай самимий аёллардан.

Республика таълим маркази жамоасида ташкилотчилиги, ҳозиржавоблиги билан ўрнатилган келаётган Фотимани ҳаммаслар "синчи" деб қақаришни хуш кўрадилар. Боиси, у инсоний фазилатлари, ҳолис фикр-мулоҳазалари, билимдонлиги, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиши, ва энг муҳими, ёрдам сўраб келган ҳамкасбларига сидқидилдан кўмаклашиши, тўғрисиёзлиги, муаммо ва камчиликларни дангал айтиши, уларга тезда ечим топа олиши туфайли жамоада ҳурмат қозонган.

Ўзини тафтиш этиб, феъл-атворида четдан қараб, баҳо беришга эриша олган инсон ўсишдан тўхтамайди. Бундай инсонлар ҳаммиса ўз ўзини танқид қилиш орқали камчиликларини тузатиб, комиллик сари интилаворади. Ф.Толипованинг "Отанам беқуёс инсонлар. Мен қанча уринмай барибир улардай бўлолмайман. Барибир уларга ўқашга интилавераман", деган гапини кўп эшитардим. Онаси Икболлой опани илк бора кўрганмида Фотиманинг бу икромини тушунди. 60 ёшларни қоралаган, очик чехралли, хушсурат Икболлой опа набиралар тарбияси, уй-рўзгор юмушларидан чарчамайди. Бу аёлнинг ҳаракатчанлигини кўриб, беихтиёр Фотимадаги гайратнинг бежиз эмаслигини англадим. Эғнидаги адрас камзулни тиккан ҳам, сигир соғиб, қатламаю антиқа ширинликлар, ҳолвалар пиширган ҳам шу аёлнинг ўзи. Бу юмушлардан ортиб ўзи ёпган ширмой нонларни набираларига иллинади. Узоқ йиллар болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлагани болажонлигидан сезиш мумкин.

Онахондаги бу хислатлар Фотимага юққан ва янада сайқаллашиб, гўзал фазилатни намоеън этган. Ўз ишига масъулият билан киришиши, тартиб-интизоми, ўзини тутишини кузата туриб, беихтиёр унга ҳавас қиласан киши.

Республика таълим маркази ўқитиш тизимидаги энг илғор таърибалар жам бўладиган, амалиётга татбиқ этиладиган, мамлакатимиздаги умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг методик эҳтиёжларини тўлдириб борадиган



Ta'lim fidoyilari

маскан. Бу ерда ишлаш педагогдан катта масъулият, юксак заковат, билимдонлик ва фидойилик талаб этади. Жойлардаги илғор ўқитувчиларнинг тақлиф, тавсия ва иш тажрибаларини ўрганиб чиқиш, уни оммалаштириш, қолаверса, ишга доир ҳужжатларни юритиш учун методист — мутахассис юксак билим ва тафаккур соҳиб бўлиши лозим. Фотимахон марказнинг филология бўлимидаги вазифалар, топшириқларни сидқидилдан бажариб келмоқда. Гоҳида ҳужжатлар билан боғлиқ ишлар, ўқитувчиларнинг муружаатларида баъзи саволларга дуч келса, ҳеч иккиланмай Фотимахондан ёрдам сўраймиз. Бундан ташқари, методика, педагогика-психология, таълим тизимида иш юритиш, бошқарув йўналишларида илмий-тадқиқот олиб бориб, докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш иштиёқидаги ёш олимлар ҳам Фотимахоннинг маслаҳат ва тавсияларини олишади.

Бу юмушларни маромига етказиб бажариб, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаоллик кўрсатаётган ходимамиз оилада ҳам меҳрибон она, намунали уй бекаси. Фотимахон турмуш ўртоғи Мансурбек билан икки ўғил ва бир қизни тарбиялаб, вояга етказмоқда. Уларнинг истаги ўғил-қизларини юртга садқат, она Ванганга муҳаббат руҳида ўстириш, жамиятга фойдаси тегадиган фарзандларни камол топтиришидир.

Мамлакат ЛАТИПОВА,
Республика таълим маркази
бош методисти

Шерназар Имомов Миришкор туманидаги 21-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг таърибаали бошланғич таълим ўқитувчиларидан бири. Чиройли хусниҳати сабаб нафақат мактабда, ҳатто яқин қишлоқларда ҳам уни "хаттот муаллим" дейишади.

Миришкорлик "хаттот муаллим"

Шерназар Имомов биринчи устози Хидир Қораевдан ўқиш ва ёзишни ўргана экан, келажақда бошланғич таълим ўқитувчиси бўлишни кўнглига тугиб қўяди. Шу йўлда ўқиб, изланди.

— Ўқитувчи муҳим барча хислатларни биринчи устозимда илган экан, — дейди Шерназар Имомов болалик йилларини эслаб. — У киши жуда меҳрибон ва сабр-тоқатли инсон эди. Бирор нарсани ўргатишни бошладими, мавзунини тўлиқ тушуниб етмагунимизча тинчимасди. Ўрганганларимизнинг бирортаси ёдимиздан кўтарилмаслиги учун ўтилган мавзунини доим сўраб, эслатиб борарди.

2008 йили Қарши давлат университетининг бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш факультетини тамомлаб, қишлоғига қайтган ёш ўқитувчи 21-ИДУМда ўз мутахассислиги бўйича ўқувчиларга сабоқ бера бошлади. Эгалаган назарий билимларини амалиёт билан ўйгуллаштириб, ўз устиди тинимсиз ишлади. Заҳматли меҳнатлари тез орада самарасини берди. Ўқувчилари ҳар йили бошланғич синф ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган кичик фарс олимпиадасининг туман ва вилоят босқичларида муносиб ўринларни кўлга киритмоқда.

Шерназар Имомов ўтган ўқув йилида "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" қўриқ-танловининг вилоят босқичида 3-ўринни кўлга киритди.

— Жамоамизда Шерназар Имомов каби фидойи ўқитувчилар кўпчилигини ташкил этади, — дейди мактаб директори Нурали Аллаев. — Фафур Қораев, Шерзод Кенжаев, Хуршид Сиддиқов, Дилдора Маматова, Камолла Маматова, Сайфулла Бозоров, Сайёра Раҳмоновалар ҳам янги ва замонавий методларга асосланган ҳолда ёшларга таълим-тарбия бермоқда. Шерназар Имомовнинг ютуғи бола психологиясини чуқур билишида. Ҳеч қачон ўқувчини зериктириб қўймайди. Ундаги самимийлик, беғуборлик ўғил-қизларни унга янаям яқинлаштиради. Яхши биламизки, эндигина мактаб остонасини ҳатлаб ўтган бола ўйинқароқ бўлиши билан бирга, тез толиқади. Шерназар шунга биноан ўқувчининг қачон ўқишга, ўйин ёки дам олишга мойиллиги ошишини яхши тушунади. Шунга қараб иш кўради. Дарсларида болалар ҳеч қачон толиқмайди.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,
"Ma'rifat" муҳбири

Муҳтарам Марғуба Исомиддинова!



Сиз 30 йилдан ортиқ Учтепа туманидаги 106-мактабда она тили ва адабиёт фанидан дарс бериб, ўқувчиларни юксак салоҳиятга, маънан етуқ, эл ишига фидойи баркамол авлод этиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшдингиз. Иш тажрибангиз туман ва шаҳар миқёсда оммалаштирилди.

Муборак 60 ёшингиз қутлуг бўлсин, фарзанд ва шогирдлар ёзозисида узоқ йиллар соғ-саломат яшаш, эл ардоғида юриш насиб этсин.

Ҳамкасбларингиз ва курсдош дўстларингиз.

2017-yil 8-mart, № 19 (8980)

Мутолаадан чемпионликкача

Ёхўд Дилноза Раҳматованинг спортда эришган ютуқларида китобнинг ўрни хусусида

Кечки маҳал бир этак набиралари раҳматли Бийронхон аянинг хонасида тўпланиб, навбатдаги эртақ ё ҳикояни кутарди. Қулайроқ жойлашиб олган кичкинтойлар одатдагидек ҳар кунлик қилган яхши амалларидан сўзлаб беради. Момо уларнинг мулоҳазаларини эшитгач, бисотидаги шунга мос ижод намунасини айтади...

Дилноза ўзининг бетакрор табиати билан машҳур Паркент туманида туғилиб ўсган. Бундан ташқари, набиралари орасида «Ойбарчиним» деб эркалаб-суйгани Дилноза болалигида Бийронхон аядан қаҳрамонлик, элу юрт муҳаббати ҳақидаги дostonлар, ҳикояларни кўп бор эшитди. Тумандаги 35-умумтаълим мактабда ўқиб юрган кезлари бадий китобларга ўзгача меҳр қўйиб, жаҳон ва ўзбек адабиётининг энг сара намуналарини қўлдан қўймай ўқиди. Айниқса, ўқигани сари ўзбек қизлари учун чинакам матонат, шижоат ва қаҳрамонлик тимсоли Рўстам Барчинойга, Нодирау Увайсийга, Зулфияхонимга ҳаваси ортди.

Дилноза Раҳматова ўқувчилик даврида ўқиб улкан мақсадлар сари интилди. Теран мутолаа уни она Ватанга бўлган меҳрини янада ёрқин намойиш этишга ундади. Шу тариқа, 13 ёшидан бадий гимнастика, гандбол, волейбол, энгил атлетика каби спорт турлари эмас, кутилмаганда қаноада эшак эшиш билан шуғулланди. Мактабни тамомлагач, Дилноза катта мақсадни қалбига туғиб, Чирчиқ шаҳридаги олимпия захиралари спорт коллежидан ўқини давом эттирди.

Еш бўлишига қарамай, Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси бўлган Дилноза дастлаб 2012 йили «Самарқанд юлдузлари» турнирида

бирйўла қумуш ва бронза медалларни қўлга киритди. Сўнг республика ва Осиё чемпионатларида кетма-кет галабага эришди. 2013 йили Канадада ўтказилган жаҳон чемпионатининг финал босқичида иштирок этди. 2014 йили Венгрияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида кучли тўртликдан жой олди. 2015 йилги жаҳон кубогининг Германия ва Данияда ўтган саралаш ўйинларида муваффақиятли қатнашиб, Португалияда ўтган ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида йўлланма олган Дилноза 200, 500 метр масофага қаноада эшак эшиш бўйича яққалик ва фуғлик бахсларида учта медалга ва жаҳон чемпиони деган юксак шарафга муяссар бўлди. Ўша йили Индонезияда ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ҳам қатнашиб, 200 метрга эшак эшиш баҳсида 1-ўринни банд этди. Ўтган йили Самарқандда ёшлар ўртасида ўтган Осиё чемпионатида 3 олтин, 1 қумуш медал соҳиб бўлди.

— Жисмонан чиниқшдан ташқари, маънавий дунёсини бойитишга жиддий эътибор қаратаётган шогирди Дилнозанинг эришяётган муваффақиятларидан ғурурланаман, — деди эшак эшиш бўйича Ўзбекистон аёллар миллий терма жамоаси мураббийи Рўстам Мирзаидиёров. — Ундан умидларимиз катта. Шу ма-

ромда давом этса, олимпиада ўйинларида ҳам юртимиз байрогини банд кўтаришига ишонамиз. Бунинг учун улкан машаққатли йўлни босиб ўтиш лозим. Мухими, Дилноза тўбора бундай синовга ҳам тайёр бўлиб бораёпти.

Халқаро тоифадаги спорт устаси Дилноза Раҳматова жорий ўқув йили аввалида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг кўпкураш спорт турлари факультетига имтиёзли равишда қабул қилинди. Бундан ҳам асосийси, унинг тиришқоқлиги, интилишлари давлатимизнинг юксак эътирофига сазовор бўлди. Президентимизнинг 2017 йил 3 мартдаги қарoriga биноан Дилноза Раҳматова спорт йўналишида Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлди.

— Халқаро мусобақаларда она юртим меҳру муҳаббатини, тафтини ҳис этаман, — деди Дилноза Раҳматова ҳаяжонини яширмади. — Бу туйғу мени янги марралар сари илҳомлантиради. Биз ёшлар камолоти йўлида давлатимиз томонидан яратиб берилган шароитлар, кенг имкониятлардан беҳад мамнунмиз. Бундай ғамхўрликларга халқаро майдонлардаги галабаларимиз билан муносиб жавоб берамиз. Жудаям ҳаяжонданман. Ҳатто жаҳон чемпионатида бир неча медални қўлга киритганимда ҳам бу қадар қувонмаганман. Ўз юртимда эътироф этилганим мени ўз устимда тинимсиз ишлаб, астойдил меҳнат қилишга ундаяпти. Бу мукофот, бу ишонччи галабаларим билан, албатта оқлайман.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Матонатли Муслиманинг муваффақиятлари

Спортчиларимизнинг улкан галабалари нафақатлари, мураббийлари, балки бутун Ўзбекистонимизнинг, халқимизнинг қувончига, фахру ифтихорига сабаб бўлади. Айниқса, шундай муваффақиятга аёлларимиз эришса, шодлигимиз икки қарра ортади. Анча шундай интилуванча, ўз матонат билан тенгдошларига намуна бўлиб келаётган юртдошларимиздан бири Муслима Одилвани байрам билан табриқладик.

Хабарингиз бор, моҳир сузувчимиз ўтган йили Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган Паралимпия ўйинларида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, терма жамоамиз умумгазнасига иккита қумуш медал қўшди. Сухбатимиз сузиш бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси Муслима Одилванинг спортга қўйган илк қадамлари ҳақидаги фикрларидан бошланди.

— Бир қатор паралимпия, жаҳон ва қитъа чемпионларини тарбиялаган етуқ мутахассис Равшан Амилов — менинг биринчи мураббийим эканидан мамнунман, — деди М.Одилова. — Қизиғи, сузиш машғулотирига кеч киришганман, аниқроғи, 7-синфдагина сузувчи бўлишга қарор қилганман. Унчага бу спорт тури билан шуғулланмаганман. Шунчаки сузиш мусобақаларида муваффақиятли қатнашяётган тенгдошларимни кўриб, ҳавасим келди ва кутилмаганда иштиёқим кучайиб бораверди. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлашим керакки, спорт ва тинимсиз машғулотлар, руҳий ҳолат билан боғлиқ машаққатни энгил ўтишда менга оила аъзоларим, хусусан, бобом ва бувим қўмақ беришди. Улар мени шу қадр руҳлантириб юборадикки, мусобақаларда қандай қилиб галаба қозонганимни билмай қоламан. Илоҳим, пири бадавлат дуоғўйларимизнинг умри узок бўлсин.

Муслима Одилова гарчи сузишни кеч бошлаган бўлсада, қисқа вақт ичида йирик мусобақаларда қатнаша бошлади. Жумладан, 2012 йили «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг республика босқичида 50 ва 100 метрга баттерфляй усулида сузиш бўйича иккита олтин медални қўлга киритиб, мутахассислар эътиборига тушди. Орадан икки йил ўтиб, «Баркамол авлод» спорт ўйинларида ҳам худди шундай масофаларга баттерфляй усулида сузиш ҳамда эстафетада қатнашиб, тўртта олтин медал жамгарди.

Муслима галабага меҳр қўйди. Ахир спортчи бўлганда кейин мақсад зафар қучиш бўлиши керак-да. Қолаверса, спорт унинг иродасини мустақамлади, ҳаётга бўлган интилишини оширди. Ҳаммаси рисоладагидек кетаётганди. Аммо доимгидек машғулотлардан бирида кичик кўнгилсизлик юз берди — Муслима сув ҳавзаси четидан намадағур чалғиб, сирганиб кетди ва йиқилиб, бош қисми жароҳатланди. 2012 йили рўй берган бу ҳодиса аста-секин унинг кўриш қобилиятига салбий таъсир ўтказди.

Шунга қарамай, Муслима ўзини йўқотиб қўймади. Гарчи ич-ичидан эзилса-да, кўзёш тўқмади. Аксинча, бор куч-гайратини жамлаб, янада олға интилди. Тинмай машғулотларда қатнашди, ўз устида ишлади. Ниҳоят меҳнатлари мевасини кўрди. Айниқса, тажрибали мутахассис, сузиш ва триатлон бўйича Осиё чемпиони Нодирбек Абдуллаевнинг унга мураббийлик қила бошлаши муваффақиятларга том маънода йўл очди.

Жумладан, 2016 йил Муслима учун жуда омадли келди. У март ойида Грециянинг Ноусса шаҳрида ўтказилган Европа очик чемпионатида тўртта олтин медални қўлга киритди. Шу йили Португалиядаги мусобақаларда қатнашиб, 100 метрга баттерфляй усулида сузиш бўйича 1 дақиқаю 4,98 сония натижа қайд этиб, жаҳон рекордини ўрнатди ва «Рио-2016» паралимпиадасига йўлланмани қўлга киритди.

Тўрт йилликнинг энг йирик мусобақаларидан бирига жиддий тайёргарлик кўрди. Ҳар кун соатлаб машқлар баҳарди. Ниҳоят, у Бразилияга, паралимпия ўйинларига йўл олди. Дунёнинг энг сара паралимпиячи-сузувчилари жам бўлган фестивалда Муслима мураббийларимизу отанаси, бобую момосининг ишончини оқлади — иккита қумуш медалга сазовор бўлди.

Айни пайтда Андижон давлат университетиде хотин-қизлар спорти йўналишининг 1-босқичда таҳсил олаётган қаҳрамонимиз эришяётган ютуқлар давлатимиз томонидан юксак баҳолиниб, Паралимпия ўйинларидан сўнг унга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони ҳамда «Малибу» энгил автомобили ҳамда пул мукофотлари берилди. Ҳатто унинг мураббийи ҳам эътирофу эътибордан четда қолмади — Нодирбек Абдуллаев «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган мураббий» бўлди.

Шоҳсанам МАХМУДОВА

Икки қанот ҳамжиҳат бўлса

истеъдоднинг юксакларга парвоз қилишини таъминлайди

Ўзбекистонлик халқаро гроссмейстерлар сафи яна кенгайди. 8 март — Халқаро хотин-қизлар кун байрами арафасида Халқаро шахмат федерацияси — FIDE томонидан Сарвиноз Қурбонбоевага хотин-қизлар ўртасида халқаро гроссмейстер (WGM) унвони берилгани эълон қилинди.



Сарвиноз — Мустақиллик фарзанди. 1994 йилнинг 6 декабрида Сирдарё вилояти Боёвут туманида туғилган. 5 ёшидан отаси, Боёвут туманидаги 9-мактаб ўқитувчиси Каримберди Жумуқов раҳбарлигида шахмат билан шуғуллана бошлаган. Кейинчалик FIDE устаси Маматқул Хайлаев ёш шахматчининг маҳорати ошиши, иқтидорини республика ва халқаро миқёсда намойён этишига қўмақ берди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон шахматда Боёвут шахмат мактабининг ўзига хос ўрни бор. Маматқул Хайлаев, Жамшид Шодиқуллов, Анвар Хайлаев, Элбек Жуманов каби спорт усталари етишиб чиққан туман вакили бугун нафақат Боёвут тумани, балки Ўзбекистон доврғуни дунёга ёймокда.

— Сарвинознинг шундай даражага эришишида отаси — чинакам оилапарвар инсон, шахмат фидойиси Каримберди аканинг ҳиссаси катта, — дейди таниқли мураббий Маматқул Хайлаев. — Шахматда мураббий ва ота-она бир қушнинг икки қаноти, дейиш мумкин. Бола қанча истеъдодли бўлмасин, бу икки қанот ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаракат қилмаса, истеъдоднинг юксакларга парвоз қилмоғи қийин. Яқинларининг қўллаб-қувватлаши туғайли Сарвиноз 2003 йилдан буён ўз ёш тоифасида Ўзбекистон чемпионлигини ҳеч кимга бермай келди. Бир қанча халқаро мусобақаларда голиб бўлди.

Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва муносиб рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган Зулфия номидаги давлат мукофоти ва «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишон соҳиб бўлган Сарвиноз Қурбонбоева бугун мамлакат хотин-қизлар терма жамоасининг етакчиларидан бири. Шахсий ютуқлари қатори терма жамоанинг ҳам бир нечта халқаро мусобақаларда голиб чиқишига ҳисса қўшиб келмокда. Жумладан, 2016 йили Бирлашган Араб Амирликлариде ўтказилган «Осиё миллатлар кубоғи» халқаро турнирида 2-ўринни олган Ўзбекистон терма жамоаси сафида Сарвиноз Қурбонбоева ҳам бор эди.

Ҳаётда анча камтар бўлса-да, шахмат тахтаси узра ҳеч кимдан тап тортмайди-ган истеъдодли шахматчи қизимизга ҳаётда ва спортда янада улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Хусан НИШОНОВ




Китоб миллатнинг ақл кўзини ёритувчи офтобдир!

ФАФУР ГУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ

Вафо ва садоқат, гўзаллик ва нафосат тимсоли
бўлган дилбар аёлларимизни **8 март — Халқаро хотин-қизлар куни** билан муборакбод этамиз!



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида сиз – азиз китобхонларга ўзбек ва чет эл адибларининг мумтоз ва замонавий асарларидан жамланган 44 жилддан иборат “Адабиёт хрестоматияси”ни тақдим этамиз.



**Мазкур китобларни мутолаа қилиб завқланинг,
мулоҳаза юритинг ҳамда билимингизни оширинг!**

Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Лабзак кўчаси, 86-уй. Телефонлар: (+99871) 241-83-29, (+99895) 144-41-82, (+99893) 791-00-70, (+99890) 331-32-00. www.gglit.uz, e-mail: marketing_107@mail.ru

Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

Ma'rifat

TA'SIS
ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga
olingan. Indeks: 149, 150. F-315. Tiraji 58165.
Hajmi 4 bosma taboq. O'tset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416



«Ma'rifat»dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga
oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqiriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'ZA yakuni — 00.25 Topshirildi — 01.35

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:

Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.

Navbatchi muharrir:

Xayrulla ABDURAHMONOV.

Navbatchi:

Bobomurod XUDOYBERDIYEV.